

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИЛИГИ

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 636.32/38.081/82

ОЧИЛОВ ЖАМШИД НАСИРДИНОВИЧНИНГ
“Қоракўл қўйларни серпуштлиги бўйича
селекциялаш хусусиятлари”

5А 410603 - «Қишлоқ хўжалик хайвонларини урчитиш, кўпайтириш ва
уларнинг селекцияси» (Хайвонлар турлари бўйича)

МАГИСТР

Академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация

Илмий рахбар, к.х.ф.доктори,
Профессор

С.Ю.Юсупов

Самарқанд - 2014

МУНДАРИЖА

- I. Кириш_____
- 1.1. Мавзунинг долзарблиги_____
- 1.2. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари_____
- 1.3. Тадқиқотнинг объекти_____
- 1.4. Тадқиқотнинг илмий янгилиги_____
- 1.5. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти_____
- II. Адабиётлар шарҳи_____
- III. Хўжалик таърифи_____
- IV. Тадқиқотни бажариш шароити ва услуби_____
- V. Тадқиқот натижалари_____
- 5.1. Ҳар хил ёшдаги совлиқларнинг куйга келиш динамикаси_____
- 5.2. Ҳар хил конституция типдаги совлиқларнинг куйга келиши_____
- 5.3. Ҳар хил семизлик даражадаги совлиқларнинг куйга келиши_____
- 5.4. Ҳар хил ёшдаги сур рангли қорақўл қўйларининг пушторлиги_____
- 5.5. Ҳар хил конституция типдаги сур рангли қорақўл қўйларининг пушторлиги_____
- 5.6. Ҳар хил семизлик даражадаги сур рангли қорақўл қўйларининг пушторлиги_____
- 5.7. Қўзиларнинг тирик оғирлиги_____
- 5.8. Қорақўл териларнинг сатҳ кенглиги ва оғирлиги_____
- 5.9. Якка ва эгиз туғилган қўзилардан олинган терилар барра гуруҳи ва нави_____
- VI. Таҷрибанинг иқтисодий самарадорлиги_____
- VII. Хулосалар_____
- VIII. Ишлаб чиқаришга берилган тавсиялар_____
- IX. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати_____
- X. Интернет маълумотлари_____

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Республикамиз қорақўлчилиги ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, чўл ва ярим чўллардаги яйловларнинг оғир шароитида етиштирилган бу қўйлар қуруқ ва мустаҳкам конституцияга эга, суяклари бақувват, мускуллари кучли ривожланган, ниҳоятда ҳаракатчан ва чидамлидир. Ана шу биологик сифатлар уларни иссиқ тропик районлардан (Жанубий Африка) тортиб қиши қаттиқ совуқ бўладиган районларгача (Россия, Украина), турли табиий иқлим шароитида боқиб қўпайтириш имконини беради.

Ўзбекистоннинг барча турдаги хўжаликларида қорақўл қўйларининг сони 5,5 млн бошдан кўп бўлиб, бу қўйлар ўзининг мустаҳкам конституциялилиги, экстремал чўл шароитига юқори даражада мослаша олиши ва бу хил шароитда сифатли маҳсулот бериши ҳамда иқтисодий жиҳатдан самарадорлиги билан бошқа турдаги ҳайвонлардан устун туриши билан фарқланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида соҳани самарали юритиш учун қорақўл қўйларидан сифатли ва етарли миқдорда маҳсулотларни етиштириш талаб этилади. Бу йўналишда совлиқларнинг пуштдорлиги ва серпуштлиги катта аҳамиятга эга. Бунинг сабаби шундаки, қорақўлчиликда асосий маҳсулот бўлиб қўзилардан олинадиган қорақўл тери ва гўшт ҳисобланади. Агар йилига ҳар бир совлиқдан битта ёки иккита қўзи олинмаса — иқтисодий самарадорликни кутиш оғир. Шунинг учун ҳам қорақўл зотли қўйларнинг пуштдорлигини ва серпуштлигини ўрганиш, уларнинг намоён бўлиш сабабларини аниқлаш, бу хислатлар бўйича самарали селекция услубларини излаб топиш катта аҳамиятга эга.

Қорақўл қўйларини қўпайтирилиши климатик жиҳатдан экстремал шароитда мавжуд бўлган яйловлардан унумли фойдаланиш, дунё бозорига юқори талабларга жавоб берадиган турли рангбарангликдаги ва ассортиментдаги қорақўл терилари, гўшт, жун, сут ва бошқа турдаги

маҳсулотларни етиштириш билан бир қаторда, бу ҳудудда яшовчи 3 млн.га яқин яҳолининг ҳаёт кечириш манбаи ҳисобланади.

Қорақўлчилик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтиришда асосий таъсир этувчи омилларнинг бири бўлиб уларнинг серпуштлиги ҳисобланади. Шунинг учун ҳам совлиқларни қисир қолиш ҳолатларини олдини олиш, улардан фойдаланиш даврини узайтириш, эгиз туғадиган совлиқлар сонини ошириш ҳисобидан соҳа самарадорлигини камида 25-30 % ошириш мумкин.

Айнан шунинг учун ҳам қорақўл зотли совлиқларда табиий серпуштликнинг намоён бўлиш қонуниятларини ўрганиш, совлиқларнинг бошқа хўжалик ва биологик кўрсаткичлари билан боғлиқлигини аниқлаш, уларни қисир қолиш ҳолатларини ва сабабларини ўрганиш фан, амалиёт олдида турган асосий муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қорақўл зотли совлиқларни Қизилқум шароитида (биостимулятор ишлатмасдан) пушторлиги ва серпуштлиги ўрганилмаган.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси институтнинг илмий-тадқиқотлар мавзуси ва режасига асосан олиб борилади (Давлат қайднома рақами 01.90004513).

Тадқиқотнинг мақсади. Ҳар хил ёш, конституция типи, ҳар хил семизликдаги сур рангли совлиқларнинг пушторлик ва серпуштлик хислатларининг намоён бўлиши ҳамда якка ва эгиз бўлиб туғилган кўзиларнинг ўсиши, тери маҳсулдорлигини ўрганилиши тадқиқотнинг мақсади сифатида танланди.

Тадқиқотнинг вазифалари. Тадқиқотнинг мақсадига эришиш куйидаги вазифаларни амалга ошириш орқали амалга оширилди. 1,5; 2,5-4,5; 5,5-6,5 ёшдаги совлиқларнинг куйга келиши, уруғланиши ва серпушлигини баҳолаш ва ўрганиш. Нозик, қирриқ, мустаҳкам ва қўпол конституцияли совлиқларнинг куйга келиши, уруғланиши ва серпуштлигини баҳолаш ва ўрганиш. Қорақўл кўйларни сунъий уруғлантириш мавсуми даврида семизлиги паст, ўрта ва юқори бўлган совлиқларнинг куйга келиши,

уруғланиши ва серпуштлигини баҳолаш ва ўрганиш. Қоракўл қўйларни кўзилатиш мавсумида якка ва эгиз туғилган урғочи кўзиларнинг тирик оғирлиги, тери сифат кўрсаткичлари ўрганиш, тегишли хулоса ва таклифлар, пушторликни ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, тажрибанинг иқтисодий самарадорлиги ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти. Ҳар хил ёш, конституция типи ва семизликдаги сур рангли қоракўл совлиқлари, улардан якка ва эгиз бўлиб туғилган урғочи кўзилар, қоракўл терилар.

Тадқиқотнинг предмети. Ҳар хил биологик типдаги сур рангли совлиқларда пушторлик ва серпуштлик хислатларининг намоён бўлиши, эгиз ва якка туғилган кўзилар ўсиши, тери маҳсулдорлигини ўрганиш.

Тадқиқот методлари зоомухандислик биологик ва биометрик тадқиқот 2013-2014 йилларда Навоий вилояти, Конимех тумани, Абай номи ширкат хўжалигида бажарилди. Бунинг учун қоракўл қўйларни қочиримдан олдин отардаги сур рангли совлиқлар бирма-бир кўриб чиқилди ва уларнинг конституция типи, ёши, семизлик даражаси аниқланди. Қоракўл қўйларнинг куйга келиши, уруғланиши ва тўл пайтида серпуштлиги ва қисир қолганлиги аниқланди.

Тўл пайтида якка ва эгиз туғилган кўзилардан олинган терилар ЎзҚЧЭИТИ услуги бўйича ўрганилди. Якка ва эгиз туғилган урғочи кўзиларнинг тирик вазни туғилганида ўлчанди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар

- ҳар хил ёшли сур рангли совлиқларни куйга келиши, уруғланиши ва серпуштлик хусусиятлари;
- ҳар хил конституцияли типли сур рангли совлиқларнинг куйга келиши, уруғланиши ва серпуштлик хусусиятлари ;
- ҳар хил семизликда бўлган совлиқларнинг куйга келиши, уруғланиши ва серпуштлиги;
- якка ва эгиз туғилган кўзиларнинг ўсиши ва тери маҳсулдорлиги;
- якка ва эгиз туғилган эркак кўзиларнинг тери сифат кўрсаткичлари;

- пушторликни ошириш бўйича тегишли хулоса ва таклифлар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундан иборатки, Қизилқум шароитида табиий ҳолда (биостимуляторлар ишлатмасдан) қоракўл қўйлар пушторлиги ва серпуштлиги ўрганилмаган, бу хислатларнинг намоён бўлиш қонуниятлари аниқланмаган, селекциялаш мумкинлиги тўғрисида тажрибалар ўтказилмаган. Шунинг учун ҳам бу хил изланишлар асосида серпуштлиқ ва пушторлик билан боғлиқ бўлган бошқа хусусиятлар билан боғлиқлигини аниқлаб, бу хислатлар асосида янги селекция услубларини тавсия қилиш ушбу ишнинг илмий янгилигидан далолат беради.

Тадқиқот натижаларининг илмий амалий аҳамияти. Тадқиқотдан олинган натижаларга таяниб қумли чўл шароитига яхши мослашган пуштор ва маълум даражада табиий серпуштлиқка эга бўлган, сур рангли қўйлар гуруҳи яратилиши, улардан олинадиган қоракўл терилари ўзининг юқори сифати, бозоргирлиги билан фарқланиши кутилмоқда.

Тажриба натижалари бўйича сур рангли қоракўл қўйлар селекциясини такомиллаштириш, қўйларни танлаш ва жуфтлашнинг қулай усулини ишлаб чиқиб, келажакда ушбу рангдаги қўйлар билан селекция наслчилиқ ишларини юритиш бўйича дастурлар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилганлиги. Тадқиқотнинг асосий натижалари Навоий вилояти, Конимех тумани “Абай” номли қоракўлчилиқ наслчилиқ заводида жорий этилади.

Ишнинг синовлардан ўтиши. Илмий ишлаб чиқариш тажрибалари натижасида олинган маълумотлар “Яйлов чорвачилиги ва ҳайвонларни озиклантириш технологияси” кафедра илмий семинарида, СамҚХИ илмий конференцияларида (2013. 2014 й) ҳамда “Абай” номли қоракўлчилиқ ширкатининг амалий ва ишлаб чиқариш йиғилишларида муҳокама этилди.

Натижаларнинг эълон қилиниши. Олинган натижалар статистик жихатдан қайта ишланиб, умумийлаштирилди ва 4 та илмий мақола шаклида эълон қилинди.

Диссертациянинг таркибий тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши 80 бет компютер матнида ёзилди ва у ўзида: кириш, адабиётлар шарҳи, тадқиқотларни ўтказиш услуби, хусусий тадқиқотлар натижалари, хулосалар, ишлаб чиқаришга бериладиган амалий тавсиялар, фойдаланган адабиётлар рўйхати каби боб ва қисмлардан иборат. Диссертацияда 19 жадвал ва 4 расмлар ҳам илова қилинди.

II. Адабиётлар шарҳи

Қорақўлчилик соҳасининг самарадорлиги ва маҳсулдорлигини ошириш, қорақўл қўйларининг миқдорий ва сифатий ўсишига эришиш, маълум бир жихатдан сурувнинг қайта урчиш суръатини кучайтиришга боғлиқ, бу эса ўз навбатида қўйларни қайта урчитиш усулларининг самарадорлигига боғлиқ (Т.Б.Рахимов, 2012).

Қорақўл қўйларининг бош сонини кўпайтириш бўйича асосий тадбирлардан бири — бу пуштсизлик ва қисир қолишни камайтириш, серпуштликни ошириш, уларнинг ҳаётчанлигини ошириш ва ёш молларни керакли миқдорда ўстиришдир.

Аммо кўпгина қорақўлчилик хўжаликларида ҳозирги кунда ҳам ёш молларни ўстириш кўрсаткичлари паст, совлиқлар бепуштлиги юқори ўринда. Айрим хўжаликларда ҳар йили 2-7 % қорақўл қўйлари қисир қолади, яйлов ҳосилдорлиги паст йиллари пуштсизлик 30-50 % гача етади. Бу сурувнинг қайта урчиш суръатларини тезлаштиришга ҳамда соҳа ривожланишига тўсқинлик қилади (Н.А.Бобоқулов, 2012).

Шунинг учун қорақўл қўйларининг табиий пушторлигини ошириш ва бепуштликни бартараф этишга йўналтирилган зооветеринар тадбирлари комплексини ўрганиш ва қўллаш муҳим амалий вазифа ҳисобланади.

Пушторлик — бу муҳим биологик хусусият бўлиб, турнинг мавжуд бўлишини таъминлайди. У стабил ирсий тизим асосида ривожланади. Тур учун бу, Д.К.Беляев (1962) таъкидлашича, биологик жиҳатдан фойдали, чунки белгиларнинг биологик оптимал чегараларда ривожланишини таъминлаб, иқлим, озуқа ва бошқа омилларнинг ўзгариши билан боғлиқ бўлган тасодифий чекинишларда турларни ҳалокатли асоратлардан асрайди.

Пушторлиги бўйича сут эмизувчи уй ҳайвонлари икки гуруҳга бўлинади: бир пуштли ва серпушт. Чўчка, ит, тулки, мушук, норка ва қуёнлар серпушт ҳайвонлардир. Битта бола туғилиши уларда истисно тариқасида учрайди. Бия ва сигирлар асосан биттадан болалайди, аммо айрим ҳолларда иккита бола туғиши ҳам мумкин. Қўй ва эчкилар бир пуштли ва серпушт ҳайвонлар ўртасида оралиқ ўринни эгаллайди. Бўғозликдаги ҳомилалар сони куйга келиш даврида овуляцияланган тухум ҳужайралар сони билан аниқланади; бунга жуфтлантирилаётган қўчқор ҳеч қандай таъсир кўрсата олмайди, у фақат уруғланиш самарадорлигига таъсир кўрсата олади.

И.Иогансон, Я.Реддел, О.Гравертларнинг (1970) маълумотларига кўра, серпушт бўғозлик қуйидаги ҳолларнинг бирида ривожланиши мумкин:

- Куйлаш даврида икки ёки ундан ортиқ тухум ҳужайралар ажралиб бир қўчқорнинг турли сперматозоидлари билан оталанса. Бундан туғилган эгизлар икки тухумли ёки дизиготали деб аталади. Икки тухумли эгизларнинг генетик ўхшашлиги турли бўғозликларда тўласиблиқники сингари бўлади.
- Агар икки ёки бир нечта тухум ҳужайралар овуляцияланиб урғочи ҳайвон икки ёки бир нечта қўчқорлар билан уруғлантирилса, тухум ҳужайралар турли қўчқорлар билан уруғланади ва уларнинг авлодлари яримсиб бўлади.
- Агар куйлаш даврида фақат бир тухум ҳужайра овуляцияланиб бир сперматозоид билан оталаниб иккига бўлинса, бир зиготадан иккита ҳомила ривожланади. Бу ҳолда бир тухумли ёки монозиготали эгизлар туғилади. Улар доимо бир жинсли ва бир хил генотипга эга.

Турли хил иқлим ва яйлов шароитида ўтказиладиган кузатувлар С.Юсупов (2005), А.Омбаев ва бошқ. (2007) шуни кўрсатадики, қорақўл зотли қўйлар маълум даражада табиий серпуштлик ирсий, генетик қобилятига эга. Бу хусусият уларда авлоддан авлодга ўтиб такомиллашиб келган.

А.Саматов ва бошқ. (1998) кузатувига қараганда қорақўл зотли совлиқлар нисбатан серўт яйлов шароитида нормал ривожланиб, қочириш даврида ҳам юқори семизиликда парвариш қилинганда ҳар 100 бош она қўй ҳисобига 120 ва ундан ҳам кўп қўзи олиш имконини беради.

Эгизликнинг келиб чиқиши борасида А.И.Лопириннинг (1953-Интернет маълумоти 2014йил) таъкидлашича, кўпгина эгизлар куйлаш даврида иккита овуляцияланган фолликуллардан ажралиб чиққан иккита тухум хужайранинг оталаниши натижасида келиб чиқади. Бундай эгизларни муаллиф диовуляр дифолликуляр деб атаган. Бундай эгизлар ҳисобига қўйларнинг серпуштлиги аҳамиятли тарзда ошиши мумкин. Диовуляр дифолликуляр эгизларни кўтариб юрган совлиқлар тухумдонида доимо иккита сариқ тана мавжуд. Бир хужайрали эгизлар (униовуляр), муаллифнинг маълумотларига кўра, бир тухумдан пайдо бўлиб зиготанинг бошланғич стадиясида иккига бўлинишидан ҳосил бўлади.

Бир қўзилашда туғилган қўзиларнинг сони қўйлар маҳсулдорлигининг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Бу кўрсаткич ҳайвонлар тана вазнига нисбатан кўпроқ аҳамиятга эга. Аммо замонавий генетиканинг пайдо бўлишининг биринчи давларида чорвадорлар ирсий баҳога асосланиб, пушторлиқни селекцион йўл билан ўзгартиришнинг генетик ўзгарувчанлиги жуда паст деган фикрга келишган. Эгиз қўзиларни туғилгандаги тирик вазни паст ва улар орасида чиқим миқдори юқори бўлганлиги учун эгиз қўзилатиш самарасиз деган фикр мавжуд бўлган. Лекин, 60-йилларнинг иккинчи ярмида қўйчиликнинг жадаллашуви ва қўйлар селекциясининг ихтисослиги жун йўналишидан гўшт йўналишига ўзгариши қўйлар пушторлигини оширишга катта қизиқиш ўйғотди (А.М.Омбаев ва бошқ. 2007)

Бундан ташқари қўйлар урчитилаётган кўпгина хўжаликларнинг табиий иқлим шароитлари шундайки, ташқи муҳит шароитларини ўзгартириш йўли билан қўйлар маҳсулдорлигини яхшилаш қийин, баъзида эса умуман мумкин эмас. Шунинг учун генетик ўзгарувчанликка яхшиловчи восита сифатида асосий эътибор қаратла бошланди.

А.А.Вениаминов, Н.И.Сергеевларни (1979-Интернет маълумоти 2014йил) ёзишича, пушторликни оширишга қаратилган қўйлар селекцияси амалиётида мазкур белги бўйича тўғридан-тўғри ва иккиламчи танлаш фарқланади. Тўғридан-тўғри танлашда ҳар бир ҳайвоннинг пушторлик белгиларининг намоён бўлиш даражаси, яъни бир туғишда икки ва ундан ортиқ бола туғиши ҳисобга олинади.

А.И.Паниннинг (1958-Интернет маълумоти 2014йил) таъкидлашича, серпуштлиқ бўйича дунёда энг яхши дағал жунли қўйларнинг романов зоти яратилган.

А.В.Поганина (1967-Интернет маълумоти 2014йил) ҳам тўғридан-тўғри танлаш йўли билан пушторликни оширишда селекция самараси ижобий бўлишини таъкидлаб ўтган. Муаллиф тоғли доғистон зотининг совлиқларида серпуштлиқнинг ирсий асосланганлигини аниқлаган. Бир озиклантириш ва сақлаш шароитида эгиз бўлиб, туғилган совлиқлардан яқка бўлиб туғилганларга нисбатан кўпроқ эгиз олинган.

С.Буйлов, Р.С.Ҳамицаевлар (1972-Интернет маълумоти 2014йил) серпуштлиқ бўйича қўйлар селекцияси юқори самара беришини аниқлашган. Эгиз қўзилар туғилганида 21-25 % га камроқ тирик вазнга эга бўлса ҳам бу тафовут онасидан ажратиш даврида сезиларсиз бўлади.

Австралияда зот ичида селекциялаш, яъни серпушт совлиқларни тўғридан-тўғри танлаш йўли билан австралия мериносларининг “бурула” линияси яратилган. Бу қўйлар генетик турғун серпуштлиги билан характерланади. Бир туғишда ҳар 100 бошдан 220-250 бош қўзи олинади К.У.Медеубеков ва бошқалар (2001) .

Финландияда серпуштликка йўналтирилган селекция йўли билан қўйларнинг серпушт фин-ландраси зоти яратилган бўлиб, уларнинг асоай хусусияти юқори пушторлик (270 %) ва полиэстриклигидир.

И.П.Фен, А.И.Петровларнинг (1970-Интернет маълумоти 2014йил) таъкидлашича, юқори пушторлик исталган зот ва маҳсулдорлик йўналишидаги совлиқлар учун мақсадга мувофиқ. Серпушт совлиқлар одатда серсут бўлишади. Уларда барча физиологик жараёнлар жадалроқ ва тежамлироқ кечади. Т. Р.Литовченко ва П. А. Есауловларнинг (1972-Интернет маълумоти 2014йил) фикрига кўра, совлиқлар серпуштлиги уларнинг жун ва гўшт маҳсулдорлигига салбий таъсир кўрсатмайди. Иккита кўзини ўстирган совлиқлар, кўзиларидан ажратилгач тирик вазни тез тикланади, яхши семиради, куйга келади ва нормал уруғланади. Худди шундай фикрни А. И. Петров ва А. В. Метлицкийлар (1981-Интернет маълумоти 2014йил) ҳам билдиришган. Муаллифларнинг айтишича, паратипик факторларни ҳисобга олган ҳолда серпуштлик бўйича тоза селекция юритишда, ҳайвонлар генотипида ётган патенциални очиш имкониятлари туғилади.

К. С. Сабденов, Ю. А. Скоробогатов, С. Е. Шауеновлар (2005) жанубий қозоқ мериноси, қозоқ гўшт-жун йўналишидаги ярим майин жунли ва қозоқ майин жунли қўй зотларининг пушторлигини оширишга қаратилган селекция йўли билан шу зотларнинг серпушт сурувларини яратишган. Муаллифларнинг таъкидлашича, пушторлик бўйича танлаш ва мустаҳкамловчи жуфтлаш йўли билан серпуштликни оширишнинг аҳамиятли имкони мавжуд 114-119 %, 100-101-103 % назоратдагига нисбатан.

И.Н.Дячков (1980-Интернет маълумоти 2014йил), М.А.Кошевой (1980),С.Ю.Юсупов (2005), М.Туекбаев ва бош. (2003) айтишича, қорақўл қўйларида табиий пушторликнинг катта захираси мавжуд.

Қўйчиликда узоқ вақт мобайнида жуфтлаш ишлари асосан аддитив ва ноаддитив генетик ўзгарувчанликдан фойдаланиш мақсадида қўлланилган.

Қўйчилик ихтисослигининг ўсиши ва жадал технологияларнинг ривожланиши муносабати билан охириги йилларда жуфтлашда серпушт қўй зотларидан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда.

А.А.Вениаминов (1984-Интернет маълумоти 2014йил), К.У.Медеубеков (2001), К.Е.Елемесовларни (2002) маълумотларига караганда, қўй гўшти ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида асосий маҳсулдорлик йўналишини ўзгартирмасдан, пушторлиги юқори бўлган қўйларнинг янги зот ва зот гуруҳларини яратиш учун серпушт романов ва фин –ландраси зотларидан кенг фойдаланиш икки йўналишда амалга оширилмоқда. Шунга кўра Венгрияда юқори пуштор меринос зотини яратиш учун романов зотли қўйлардан фойдаланилган. Янги типдаги мериносларда пушторлик 28 % га юқори бўлган. Францияда маҳаллий берришон, ил-де-Франс, лакон, тексел, шармоуз қўй зотларининг пушторлигини ошириш учун романов зотли қўчқорлардан фойдаланилган. Ҳар бир дурагай совлиқлардан ўртача 3,6 тадан қўзи олинган. Чехословакияда мерино-фляйш қўй зотининг пушторлигини ошириш учун романов зотли қўчқорлар билан жуфтлантирилган. Дурагай совлиқларнинг пушторлиги 184 % ни ташкил этган. Руминиянинг жадал қўйчилик худудларида романов зотли қўчқорлардан трансилван ва палас зотли меринос қўйларини жуфтлашда фойдаланилади. Дурагай авлодларнинг пушторлиги ўртача 172% ни ташкил этган. Испанияда арогон зотли совлиқлар романов зотли қўчқорлар билан жуфтлантирилган. Биринчи бўғин дурагайларида пушторлик 129% , назорат гуруҳида эса 103 % бўлган.

Романов зотли қўйлар АҚШ, Камерун ва бошқа давлатларга ҳам импорт қилинган, бу эса унинг тобора омалашиб бораётганидан далолат беради.

Охириги йилларда қоракўл қўйларнинг пушторлигини серпушт аскания типдаги қўчқорлари билан жуфтлаш орқали оширишга катта аҳамият берилмоқда .

Турли хил иқлим ва яйлов шароитида ўтказиладиган кузатувлар (М.А.Кошевой 1976, А.Саматов 1988, С.Юсупов 2005, А.Омбаев ва бошқ. 2007) шуни кўрсатадики, қоракўл зотли қўйлар маълум даражада табиий серпуштлиқ ирсий, генетик қобилятига эга. Бу хусусият уларда авлоддан авлодга ўтиб такомиллашиб келган.

А.Саматов ва бошқ. (1988) кузатувиға қараганда қоракўл зотли совлиқлар нисбатан серўт яйлов шароитида нормал ривожланиб, қочириш даврида ҳам юқори семизиликда парвариш қилинганда ҳар 100 бош она қўй ҳисобига 120 ва ундан ҳам кўп қўзи олиш имконини беради.

М. А. Кошевой ва Р. Г. Валиев (1984-Интернет маълумоти 2014йил), С. Абдурахмоновларнинг (2000 й.) маълумотларига қараганда, Аскания-Новадан келтирилган серпушт аскания типига қоракўл қўйлар Ўзбекистоннинг “Қарнаб” давлат наслчилиқ заводида биринчи бўғинда ҳар 100 бошга 112-115 қўзи, иккинчи бўғинда эса 120-127 бош қўзи берган.

С. Абдурахмоновнинг (1983-Интернет маълумоти 2014йил) ёзишича, аскания серпушт қўйлари “Қарнаб” наслчилиқ заводи шароитига яхши мослашиб, маҳаллий популяциядаги қўйлардан асосий барча маҳсулдорлик кўрсаткичлари бўйича устунликка эга бўлган. Уларда эгиз қўзиларнинг яшовчанлиги туғилганидан 1,5 ёшлигигача 85,8 %, иккинчи бўғинда 89,0 %, назорат гуруҳида эса 70% ни ташкил этган.

Серпушт аскания типига қоракўл қўйлари билан жуфтлаш ишлари Қозоғистонда Жанубий-Қозоғистон вилоятининг “Шаулдер” наслчилиқ заводида амалга оширилган. Б.Ақтуов, А.С.Садибеков, К.Бупетаевлар (1994) маълумоти бўйича, бмрмнчи бўғин дуругай авлодларқоракўл тери қиммати бўйича назорат гуруҳидан қолишмайди.

К.Елемесов, К.Бупетаевлани (2004) маълумотиға кўра, қоракўл қўйларининг биринчи бўғин авлодлари аскания серпушт типига қўчқорлар билан жуфтланганда ҳар 100 бош совлиқдан 131 бош қўзи олинган. Иккинчи бўғин совлиқлар билан иккинчи бўғин қўчқорлар жуфтланганда ҳар 100 бош совлиққа 129,3 бош қўзи тўғри келган.

Қозоғистоннинг Хўжатуғай давлат наслчилик заводида қора рангли қоракўл қўйларининг табиий серпуштликка эга бўлган Хўжатуғай зот типини яратилиб, 1997-йил 7-октябрда ҚХВ нинг РК (№108) буйруғи билан тасдиқланган.

А.А.Омбаевнинг (2005) фикрига кўра, узоқ муддатли селекцион ишлар жараёнида серпушт хўжатуғай завод типига мансуб қоракўл қўйларида жакет типига қоракўл терилар шаклланишини ва бу белгиларнинг авлоддан-авлодга берилишини белгиловчи хусусиятларни консолидацияланишининг юқори даражасига эришилган.

Бу типдаги насли кўчқорлар муюнқум популяциясидаги совлиқлар билан жуфтланганда, туғилиш типидан қатъий назар уларнинг авлодларида жакет типига қўзилар 62,3-65,9 % дан 70,-72,4 % гача ошган ва маҳаллий популяциядаги қўйлардан ўз ўрнида 9,2 % ва 8,5 % га юқори бўлган ($P \leq 0,01$).

И.П.Фен ва А.Л.Петровлар (1970-Интернет маълумоти 2014йил) томонидан майин жунли қўйларнинг совет мериноти зотида пушторлик билан тери бурмалари орасида боғлиқлик аниқланган. Тери захираси ўртача совлиқларда пушторлик 129 %, териси кўп бурмали совлиқларда 110 % ва терисида бурмаси бўлмаган совлиқларда 118 % ни ташкил этган. Муаллифлар томонидан шунингдек, пушторлик билан совлиқларнинг қочиримдан олдинги тирик вазни орасида ҳам боғлиқлик борлиги аниқланган. Тирик вазни 50-54 кг бўлган совлиқларда пушторлик 125,1 %; 60-64 кг—129,3 % ни ташкил этган. Совлиқлар тирик вазнининг 1 кг га ошиши ҳар 100 бош совлиққа 0,7 кўзи чиқишига олиб келади.

Л.М.Магомаев (1975-Интернет маълумоти 2014йил) романов зотли совлиқларнинг сутдорлигини ўрганиб, пушторлик билан сутдорлик ва қўзилар туғилгандаги тирик вазни орасида боғлиқликни аниқлаган. Совлиқлар пушторлиги қанчалик юқори бўлса, уларнинг сутдорлиги ҳам шунча юқори бўлади ҳамда қўзилар ҳаётининг биринчи ойида 1 кг ўсиш учун шунчалик кам миқдорда сут сарфланади. А.А.Граёва, Ф.Б.Сафин (1982-Интернет маълумоти 2014йил), И.И.Муратовларнинг (196-Интернет

маълумоти 2014йил 3) ҳам таъкидлашларича, серпушт романов зотли кўйларда одатда сут безлари яхши ривожланган бўлиб, уларнинг сутдорлиги юқори, бу эса ўз навбатида эмиш даврида кўзиларнинг яхши сақланишини таъминлайди.

А.Т.Гасанов (1983-Интернет маълумоти 2014йил) лезгин, анди ва тушин зотли совлиқларда пуштдорлик билан уларнинг сутдорлиги ўртасида боғлиқлик борлигини аниқлаган. Пуштдорликнинг 8-10 % га ошиши сутдорлик ҳам ошган. Худди шундай маълумотлар арман ярим дағал кўйлардан ҳам олинган.

Турли зот ва маҳсулдорлик йўналишидаги кўйларни урчитиш амалиёти ва кўп сонли тадқиқотларнинг исботлашича, пуштдорлик ирсий шартланган белги бўлгани билан қайта урчиш функциясига генетик ва паратипик характердаги бутун бир комплекс таъсир кўрсатади.

Д.И.Маликов, Г.М.Ивановларни (1938-Интернет маълумоти 2014йил) таъкидлашича, совлиқларнинг қайта урчиш функцияси ва уруғланиш хусусиятига кўчқорларнинг ёши ва қочирим даврида беркитилган совлиқлар миқдори ҳам таъсир кўрсатади. 1,5 яшар кўчқорларга нисбатан 80 бош совлиқ беркитилиши, биринчи йил фойдаланишда (2,5 ёшлигида) 51,6 % кўчқорларнинг спермаси яроксиз бўлган. Муаллифларнинг насли кўчқорларнинг уруғ маҳсулдорлиги устидан доимий назоратни нафақат қочирим мавсумида, балки ундан бутун қайта урчишда фойдаланиш давомида олиб бориш зарур деб таъкидлайдилар, чунки кўчқорлар уруғининг уруғлантириш хусусияти совлиқларнинг қайта урчиш функциясига таъсир кўрсатади.

А.П.Маркушин (1978-Интернет маълумоти 2014йил) серпушт сурувлардаги насли ҳайвонлардан узоқ муддат фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигини ва зарурлигини таъкидлайди. Муаллифнинг айтишича, Англияда ҳатто тез етилувчи ромни-марш, бордерлейстер, суффолк каби зотлардан ҳам 6-7 йилгача фойдаланиб, ҳар 100 бош совлиқдан 140-160 бошгача кўзи олинади. Унинг таъкидлашича, узоқ муддат яшовчи совлиқларга ташқи муҳит

шароитига мослашувчанлик хос бўлиб, улар ҳаёти давомида кўпроқ авлод беради.

З. М. Родионов, О. Р. Элзесер, Н. П. Платуновлар (1975-Интернет маълумоти 2014йил) кроссбред совлиқларнинг туғилиш типини серпуштликка таъсирини ўрганган. Эгиз бўлиб туғилган совлиқларнинг пушторлиги битта бўлиб туғилган совлиқларга нисбатан ўртача 27,7 % юқори бўлишини аниқлаган.

А. И. Ерохин ва Д. М. Джанчаровлар (1989-Интернет маълумоти 2014йил) ота-она жуфтликларининг туғилиш типи серпуштликка таъсир этувчи муҳим омиллардан бири деб ҳисоблайдилар. Эгиз ва учта бўлиб туғилган романов зотли совлиқлар ва уларнинг қизларининг серпуштлиги юқорироқ бўлади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, серпуштликка қаратилган қўйлар селекциясига тааллуқли кўпгина тадқиқотлар ўтказилганлигига қарамадан қорақўл қўйлари тоза зотли урчитишда уларнинг пушторлигини ошириш мақсадларига бизга маълум бўлган адабиётларда етарлича эътибор берилмаган.

Қорақўл қўйларининг табиий пушторлигини ошириш муаммоси биологик муаммолар ичида энг кенг қамровли, чуқур ва кўп қиррали бўлиб, амалий фаолият ҳамда назарий ишланмалар учун катта аҳамиятга эга.

Қўйларнинг пушторлиги қийин ирсийланувчи белги бўлиб, табиий ва сунъий танлаш таъсири остида юзага келган ҳамда ташқи муҳитнинг таъсир этувчи омилларига, ҳайвоннинг уруғланиш вақтидаги физиологик ҳолатига боғлиқ. Шунинг учун, қўйларнинг пушторлиги маълум даражада модификацияланиши – кўтарилиши ёки пасайиши мумкин (А. Омбаев ва бош. 2008).

Қорақўл қўйларини тоза зотли урчитишда табиий серпуштлигини оширишга қаратилган селекцион – наслчилик ишларида ортиқча сарф харажатларга йўл қўймаслик учун, умумий ишлаб чиқариш технологияларини ўзгартирмасдан сурув билан олиб бориладиган ишларни

пуштдорликка таъсир этувчи омиллардан максимал фойдаланиб ўтказиш зарур. Қочирим мавсумидан олдин совлиқ ва қўчқорлар серҳосил яйловларда боқилиши қўйларни тунда ўтлатишни ташкил этилиши керак. Кун тартиби қуйидагича бўлиши керак; соат 4 – 11 гача қўйларни яйловда боқиш, 11 - 12 гача суғориш, 12 -16 гача дам бериш, 16 - 24 гача қўйларни яйловда боқиш, 16 ва 24 оралиғида суғориш ва яйловда дам бериш мақсадига мувофиқ. Бундай кун тартибида қўйлар суткасига 62,5% вақтни яйловда ўтказди. Одатда, қочирим мавсуми бошида совлиқлар ўртача семизлик даражасига эга. Уларнинг тирик вазни 48-50-55 кг ни ташкил этади, айримлари эса 58-60 кг бўлади. Қочирим даврида совлиқларни шўр ўтли яйловларда боқиш мақсадга мувофиқроқ. Қочиримга тайёрлаш ва қочирим даврида совлиқларга ҳеч қандай махсус қўшимча озуқа берилмайди.

Наслли қўчқорлар қочиримга тайёрлаш даврида серҳосил яйловларда ҳамда донли экинлар ўриб олинган далаларда боқилади. Қочиримга тайёрлаш даврида уларга қўшимча озуқа берилмайди. Қочиримга 4-5 кун қолганида бир бошга 300-500 г ҳисобида арпа берилади. Қочирим мавсумида қўчқорларга 1 кг омехта ем эрталаб ва кечкурун бўлиб берилади. Беда исталганича берилади. Қочирим даврида қўчқорлар завод семизлик даражасида бўлиб, уларнинг тирик вазни 65-70 кг, айримлариники 77 кг гача этади.

Қочирим компанияси нисбатан салқин ҳаво тушганда лекин кун ва тун орасидаги ҳаво ҳарорати кескин контрастликка эга бўлмаган вақтда бошлаш керак. Қочирим компаниясига яхши тайёргарлик кўриш совлиқ ва қўчқорларнинг семизлик даражаси ва тирик вазнининг ошишига ижобий таъсир кўрсатиб қолмасдан, уларнинг қайта урчиш хусусиятлари учун ҳам жуда муҳимдир (С. Ю. Юсупов ва бош. 2010, Р. Турганбаев 2012, С. Базаров 2013).

Озиқлантириш омилларининг семизлик даражаси ва қайта урчиш хусусиятларига таъсирини кўпгина муаллифлар таъкидлаб ўтишган (К. Д. Филянский, 1949; В. К. Милованов, 1962; Л. В. Богданов 1977; В. И. Ерохин,

1984; Б. П. Завертяев, 1987; В. В. Соколов, П. А. Аккузин, 1987 ва бош. - Интернет маълумоти 2014йил), бу бизнинг тадқиқотларимизда ҳам ўз тасдиғини топган.

Қоракўл қўйлар серпуштлигини ошириш бўйича ишларни қўзилатиш мавсумида эгиз туғилган қўзиларни ва эгиз туғган совлиқларни ажратишдан бошлаш керак. Қоракўл қўйларининг табиий эгизлик бўйича селекция юритишда зот белгилари яхши намоён бўлиб ирсий мустаҳкамликка эришилади. Бундан ташқари ушбу селекция йўли билан қўйларнинг табиий пушторлигини оширибгина қолмасдан, бутун сурувнинг юқори ирсий пушторлигини мустаҳкамлаш мумкин.

Танлаб олинган қўзи ва совлиқларга эн солинади. Эн солиш қуйидаги схема бўйича амалга оширилади: бир жинсли эгиз бўлиб туғилган қўзиларни битта қулоғига иккита сирға тақилади. Эгиз туғган совлиқларга сирғаси бу қулоғига иккита тешик тешилади. Ҳар хил жинсли эгиз қўзиларнинг иккала қулоғига биттадан сирға тақилади. Эгиз туққан совлиқларга сирғаси бўлса, бу қулоғига ҳам битта қўшимча сирға тақилади. Агар совлиқ сирғаланмаган бўлса, ҳар қайси қулоғига биттадан сирға тақилади. Эн солишнинг бундай схемаси отарларни шакллантиришда ва турли жуфтлаш типларини ўтказиш ишларини осонлаштиради.

Қўзиларни онасидан ажратиш мавсумида эгиз бўлиб туғилган урғочи қўзилардан алоҳида отарлар шакллантирилади. Селикцион ишларнинг бошланишида эгиз қўзилар етишмаса, ишлаб чиқариш отарлари битта бўлиб туғилган элита ва 1 синфли қўзилар билан тўлдирилади.

Эгиз қўйлар сонини тезкор йиғиш ва авлодларда эгизлик белгиларини мустаҳкамлаш учун, эгиз бўлиб туғилган қўчқорлардан сунъий уруғлашда, биринчи навбатда эгиз бўлиб туғилган ва эгиз туққан совлиқлардан кўпроқ фойдаданиш керак.

Эгиз қўйлар сони ортгач, қўзиларни онасидан ажратишда урғочи қўзи отарларини уларнинг туғилиш типига қараб шакллантириш зарур.

Бир жинсли эгиз бўлиб туғилган кўчқор ва совлиқларни жуфтлашда, ҳар хил жинсли эгиз бўлиб туғилган кўчқор ва совлиқларни жуфтлашдагига қараганда 7,1 % кўпроқ эгиз олинган. Бир жинсли эгиз бўлиб туғилган кўчқорлар билан ҳар хил жинсли эгиз бўлиб туғилган совлиқлар жуфтланганда, реципрок жуфтлашга қараганда 4,2 % кўпроқ эгиз авлодлар олинган (А.А.Омбаев ва бошқ. 2008).

Эгиз бўлиб туғилган кўчқорлар билан битта бўлиб туғилган совлиқлар жуфтланганда, худди шундай совлиқлар билан ҳар хил жинсли эгиз бўлиб туғилган кўчқорларни жуфтлашдагига қараганда 7,3 % кўпроқ эгиз кўзи олинган. Ота-онаси ҳар хил жинсли эгиз бўлган якка бўлиб туғилган кўчқор ва совлиқлар жуфтланганда, авлодларининг ҳар 100 ҳолатдан 3,6 % эгизлик намоён бўлган (А.А.Омбаев ва бошқ., 2007).

Худди шундай маълумотлар М.А.Виноградова, М.Атаев, Ш.Р.Херремов, Д.Бабаев (1986-Интернет маълумоти 2014йил) томонидан олинган.

С.Д.Сухарков (1980-Интернет маълумоти 2014йил) томонидан қорақўл кўйларининг серпушт аскания типдаги кўйлар устида ўтказган тадқиқотларида, бир жинсли эгиз бўлиб туғилган кўчқор ва совлиқларни жуфтлашда, ҳар хил жинсли эгиз бўлиб туғилган совлиқларни жуфтлашга қараганда 6,0 % кўпроқ эгиз кўзи олинган.

Қорақўл кўйлар ёшининг эгиз авлод бериш частотасига таъсири тўғрисидаги маълумотлар амалий мақсадлар учун жуда муҳим ҳисобланади.

Ф.Лангле (1965) кўйларнинг пушторлиги 6 ёшда юқори бўлишини айтиб ўтган. И.К.Муратов ва Д.Д.Арсеневларнинг (1980-Интернет маълумоти 2014йил) маълумотида кўра, романов зотли кўйларнинг максимал пушторлиги 4 ёшлигида намоён бўлади. П.В.Арапов (1940) кўп йиллик кузатишлари асосида ёзишча, қорақўл кўйларининг ўрта пушторлиги ёшлигида, максимал пушторлиги ўрта ёшлигида ва энг паст пушторлик қари 6-7 яшар совлиқларда бўлишини аниқлаган.

С.П.Поспеловнинг (1975-Интернет маълумоти 2014йил) айтишича, қорақўл қўйларида энг кўп эгиз бериш 3-4-5 ёшлигида кузатилади.

Шундай қилиб, совлиқлар ёши серпүштликнинг намоён бўлишига аҳамиятли таъсир кўрсатади.

Шу билан бирга, қорақўл қўйларида эгиз бериш қобилятининг биологик имкониятлари 3-4 туғишда кўпроқ намоён бўлади. Биринчи бор қўзилаган ёш совлиқларда бу имкониятлар ҳали ривожланмаган бўлади, шунинг учун эгиз бериш частотаси уларда катта ёшли совлиқларга нисбатан камроқ (9,5-13,9 %га). 5-6 марта туққан қари совлиқларда организмнинг ҳаётий имкониятлари сўниб бориш ҳисобига эгиз туғиш частотаси ёш совлиқларникига нисбатан 2,3-4,9 марта кам. Қорақўл совлиқларининг максимал эгиз бериш частотасининг 3-4 қўзилашига тўғри келишининг сабаби, ушбу ҳаёт стадиясида гонадотроп гормон ва ўсиш гормони орасидаги рақобат минимал даражага етади ва гонадотроп гормон секрецияси организмнинг умумий қариши оқибатида ҳали сўнмаган бўлади (А.Газиёв, 2003).

Ушбу магистрлик диссертациямиз тадқиқотлари сур рангли қорақўл қўйларнинг Ўзбекистон қумуш сури завод типиде ўтказилди шунинг учун сур рангли қорақўл қўйлар келиб чиқиши ва биологик хусусиятлари шунингдек Ўзбекистон қумуш сури завод типининг яратилиши тўғрисида адабиётлар шарҳини беришни жоиз топдик.

Қорақўл зотли қўйларни урчитиш усуллари, биологик хусусиятлари, хўжалик қиммати кўп жиҳатдан ҳайвонларнинг рангига боғлиқ (И. Н. Дьячков 1975, С. Юсупов 2005 ва б.).

Қорақўл терилари турли туман рангбарангликларга эга бўлиб, қора рангдан оқ ранггача вариацияланади. Шулар орасида бугунги кунда энг чиройли ва бозорда ҳаридоргир бўлганлари бу сур терилардир. Сур ранги бошқа ранглардан жун толаси бўйлаб рангнинг ўзгариши билан фарқ қилади: тола асоси – тўқ (айрим ҳолларда қора ранггача), учлари эса оч рангда бўлади. Баъзан жун тола узунаси бўйлаб икки эмас, уч рангда ҳам бўлади

(Р. Турганбаев 2012). Жун толаси бўйлаб рангнинг ўзгариши ўзига хос ранг жилоланиши ҳосил қилиб, сур териларга бўлган юқори талабни таъминлайди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда сур қўйлар салмоғи жиҳатидан иккинчи ўринда туриб, урчиш ҳудудларига қараб уч зот типига бўлинади: Бухоро, Қорақалпоқ, Сурхондарё.

Бухоро зот типига мансуб сур қўйларининг қоракўл терилари, Ўзбекистонда етиштирилаётган қоракўл терилар орасида энг қимматли ва кўп сонли ҳисобланади. Бу қўйлар қадимдан урчитилиб кўп тарқалган. Узоқ вақт давомида Бухоро сури икки рангбарангликга – кумуш ва тилласимон рангбарангликга бўлинган.

Кумуш сур қимматли рангбаранглик ҳисобланади. Унда жун тола асоси тўқ тутунсимон ёки қора бўлиб, учки қисми кумуш рангида бўлади. Бу рангбаранглик узун қаламигул ва коворғагуллар билан мос келади; ясси гул типигаги кумуш сур айниқса қимматли ҳисобланади.

Тилла сур аҳамияти жиҳатидан иккинчи ўринда туради. У тола асоси тўқ жигарранг ва учки қисми оч тилласимон бўлишидан келиб чиқади.

Аммо, етарлича аниқ таърифларга қарамасдан, амалиётда кўп ҳолларда кўзи ёки қоракўл терини у ёки бу рангбарангликга ўтказишда тортишувлар юзага келади. Буни рангбарангликларнинг етарлича дифференциаллашмагани билан изоҳлаш мумкин, чунки кўп ҳолларда қўйлар биргаликда урчитилади. Бундан ташқари, мазкур рангбарангликларнинг анъанавий таърифи уларнинг ранг хусусиятларини тўлалигича ёритиб бермайди. Шунинг учун Бухоро сурида, бир қатор янги рангбарангликлар ажратилган.

Бинафша рангбаранглиги жун-толасининг асоси оч-қўнғир тусгача пигментланиши ва учки қисмининг билинар билинмас рангсизланиши билан тавсифланиб, натижада аниқ ранг чегаралари ҳосил бўлмайди.

Олмос рангбаранглиги энг истиқболли рангбаранглик ҳисобланиб, унга асосан остки қисмининг қора ва учки қисмининг оқ бўлиши хосдир.

Ранг утиш кескинлиги жуда кучли бўлиб, жун толасининг остки ва учки қисмлари аниқ ранг чегараларига эга.

Қора сур Бухоро сурининг кам қимматли рангбаранглиги ҳисобланади. Унда тола асоси кучсиз қорамтир бўлиб, учки қисми бироз очроқ бўлади. Сурлиги фақат бошида, уруғдонида ва чотларида билинади. Бундай рангбарангликни зот таркибидан чиқариб ташлаш лозим.

Бухоро зот типдаги қўйлар Бухоро, Навоий, Самарқанд ва Жиззах вилоятининг хўжаликларида урчитилади.

Қоракўл қўй зотидаги ҳар бир ҳайвон рангига қараб маълум бир зот типига мансуб. Зот типини ўз навбатида завод типларига бўлинади. Завод типини деб – узоқ муддатли чуқур селекцион ишлар натижасида ажратилган, зот ичидаги юқори маҳсулдор ҳайвонлар гуруҳига айтилади. Маълум бир наслчилик заводига таълуқли бўлган морфологик, маҳсулдорлик ва бошқа хусусиятларнинг авлоддан-авлодга турғун берилиши зот типига хос хусусиятдир.

Завод типини мазкур сурувнинг юқори наслий ва маҳсулдорлик хусусиятларини бутун зотга тарқатиш мақсадида наслчилик хўжаликларининг қўйлари асосида яратилади. Завод типининг яратилиши, С. Юсуповнинг (2010) ёзишича, зотнинг келажакда такомиллашуви, хўжаликда селекцион наслчилик иши даражасининг ошиши, маълум бир экологик ҳудуд учун наслий материалнинг зарурати борлигини белгилайди. Қоракўлчиликда завод типининг яратилишининг асосий шартини – юқори қоракўл тери маҳсулдорлиги, конституциясининг мустаҳкамлиги ва маълум бир яйлов иқлим ҳудудига яхши мослашувчанлиги.

Бухоро сури зот типини билан олиб борилган кўп йиллик наслчилик ишлари натижасида, ушбу рангга мансуб бир нечта завод типлари яратилган. Ҳар бир завод типини бир хил типда ва зот ичида жуфтлаш йўли билан яратилиб такомиллаштирилади (В. М. Юдин, Н. С. Гигинейшвили, Х. Укбаев). Баъзан турли зотларни (Х. Укбаев ва б.), типлар ичида рангбарангликларни ўзаро жуфтлаш ва кросслаш қўлланилади, масалан

платина ва бронза (Н. С. Гигинейшвили 1976), кумуш ва тилла(М.Д. Закиров 1991).

Ҳар бир зот типи ёки завод типини ҳамда ҳар бир рангбарангликни такомиллаштириш зот ичида бир хил жуфтлаш йўли билан амалга оширилади, айрим ҳолларда кросслар ҳам қўлланилади.

Сур қўйларни урчитишда гул типларини ҳисобга олган ҳолда жуфтлаш амалга оширилади. Яримдоира қаламигул, ясси ва қовурғасимон гул типлари “ўз ичида” урчитилади. Олдига қўйилган вазифага қараб ўсиқгул типигаги совлиқлар яримдоира қаламигул, ясси ва қовурғасимон гул типларидаги қўчқорлар билан жуфтлантирилади. Сур рангли қўйларни кўпайтириш зарурати туғилганда сур қўчқорлари билан бошқа рангли совлиқлар жуфтлантирилиб сиқиб чиқарувчи жуфтлаш усули қўлланилади. Сур қўйлари учун гул типи сифатларидан ташқари, рангининг тана бўйлаб бир текис тарқалиши, сурланиш даражаси ва контрастлиги ҳам катта аҳамиятга эга (М. Закиров ва б. 1991).

Ҳозирги кунда Бухоро зот типигаги сур қўйларни урчитишда муҳим уринни сур рангининг тозаллиги ва сурланишнинг намоён бўлиши муҳим урин эгаллайди, бунга эса маълум бир белгили ҳайвонларни танлаш ва жуфтлаш типи орқали эришилади. Мазкур босқичда Бухоро сурида тўқ тусдаги терилар устунлик қилади, улар жун толасининг учки қисми остки қисмидан кучсиз фарқланади, натижада териларнинг катта қисми гул сифати бўйича қониқарли ва яхши бўлса ҳам, сур ранги бўйича кўримсиз бўлиб кўпинча рангдор терилар деб баҳоланади(С. Юсупов ва б. 2010).

Бундай ҳолатни келиб чиқишининг сабаби шундаки, сур қўйларнинг кўпчилик сурувлари қора рангли қоракўл қўйлар асосида уларни сурга айлантириш жараёнида яратилган ҳамда селекция жараёнида сурланиш даражасига етарлича эътибор берилмаган.

Шу муносабат билан сур қўйларининг юқори маҳсулдор завод типларидан самарали фойдаланиш мақсадида уларнинг селекцион-генетик хусусиятларини билиш ва ҳисобга олиш катта аҳамиятга эга.

Абай номли наслчилик заводида кумуш рангбарангликдаги сур қорақўл қўйларининг юқори маҳсулдор суруви яратилган бўлиб, у завод типининг барча талабларига жавоб беради, қумли чўлнинг яйлов-иқлим шароитига яхши мослашган (ЎзР Патенти № ZAP 2002 0001).

Абай номли наслчилик заводи қизилқум чўлининг массивида жойлашган бўлиб, майдони 2012 йил 1-январ ҳолатига 194 минг гектарни ташкил этади. Хўжаликнинг яйлов ҳудуди Навоий вилояти Конимех туманининг маъмурий чегарасида жойлашган.

Хўжаликда наслчилик ишини ташкил этиш ва унинг даражаси бир нечта босқичда амалга оширилган бўлиб, улардан асосийлари қўйидагилар:

Биринчи босқич (1964-1969) бу йилларда совхоз ташкил қилиш учун колхозлардан йиғиб олинган думбали ва дурагай қўйларни қисқартириш ишлари олиб борилган. 1966 йилда Навоий ва Свердлов номли колхозлардан насли сур қўчқорлар келтирилиб сунъий уруғлашда ишлатилган. Натижада қора рангли қўйлар 13 фоизга камайиб, сур қўйлар салмоғи 6 фоиздан 34 фоизга ошган.

Иккинчи босқич (1970-1982)бу даврга келиб сур қўйлар 34,3 дан 70,1 фоизга ошган, бир қорақўл терининг ўртача сотиш баҳоси эса 17 сўм 48 тийиндан 31 сўм 96 тийинга ортган.

Қон алмаштириш мақсадида хўжаликга 1984 йилда “Нурота” ДНЗ дан 100 бош ва собиқ (Свердлов) ҳозирги Амир Темур номли ДНЗ дан 50 бошдан ортиқ ва 1986 йили “Нурота” ва “Сарибел” ДНЗ ларидан 100 бош насли қўчқорлар келтирилган. Шу йиллардан бошлаб ҳозирги кунгача қўйлар қатъий яроқсизга чиқарилиб, селекцион сурувларга фақат мустаҳкам конституцияли ҳайвонлар танлаб олинмоқда.

Сурувнинг юқори селекцион сифатларини ҳисобга олиб, совхозга 1988 йилда давлат наслчилик хўжалиги мақоми берилган, 1992 йилнинг январидан давлат наслчилик заводи деб тан олинган. Хўжаликда охирги беш йилликда мол бош сони 70 мингга этган, шундан 70 фоизини она қўйлар ташкил этади, бу эса қорақўлчилик технологиясининг тўғри юритилаётганлигидан далолат

беради. 2010 йилга келиб сур қўйлар миқдори 98,6% га, элита ва биринчи синфли совлиқлар эса 87,6% га этган.

2011 йилда 1990 йилдагига нисбатан яримдоира қаламигул типли қўйлар салмоғи, усиқгул типдаги қўйларнинг қисқартирилиши ҳисобига 31% га ошди. Шу билан бирга, қовурғасимон ва ясси типдаги қўйлар салмоғи ҳам ошди. 1986 йилда авлод сифати бўйича текширилган 19 бош қўчқордан 8 бош сифат яхшиловчи қўчқорлар ажратилди, шулардан бири кумуш рангбарангликдаги элита синфли қаламигул типли 08317 рақамли маҳаллий қўчқор, иккинчиси “Нурота” ДНЗ дан келтирилган қўчқор (№ 03904) бўлиб, улар авлод сифти бўйича яхши натижалар кўрсатишди. Бу қўчқорлар – биринчиси “Шофиркон”, иккинчиси “Нурота” линияларининг уруғбошилари ҳисобланади.

“Сарибел” наслчилик заводидан келтирилган № 6384-6385 рақамли кумуш рангбарангликдаги элита синфли насли қўчқор энг яхши деб тан олиниб “ясси” линиясининг уруғбошиси бўлди.

Шофиркон линияси. Уруғбоши қўчқор № 08317 рақамли кумуш рангбарангликдаги, элита синфли яримдоира қаламгул типли, мустаҳкам конституцияли, 1984 йилда туғилган. Унинг авлодларида кумуш рангбарангликдаги элита синфли қўзилар чиқиши юқори бўлиб, 43,4 фоизни ташкил этади. Кумуш рангбаранглигининг тери сатҳи бўйлаб текис тарқалиши 84,3 фоизни ташкил этади ва улар яримдоира қаламигуллар билан биргаликда паралел концентрик расм ҳосил қилади. Жун-тола қоплами қисқа, кучли ипаксимон, ялтироқ, асоси тўқ-қўнғир, учлари оч кулранг. Ҳаммаси бўлиб бу қўчқорнинг 26 авлодидан фойдаланилган.

Нурота линияси. Уруғбоши қўчқор № 03904 рақамли кумуш рангбарангликдаги, элита синфли яримдоира қаламгул типли, мустаҳкам конституцияли, 1985 йилда туғилган, авлодларида 44 фоиз элита синфли кумуш рангбарангликдаги қўзилар олинган. Авлодларини жун қоплами кучли ипаксимон ва ялтироқ, териси зич, узун яримдоира қаламигуллари паралел концентрик расм ҳосил қилиши, тола асоси тўқ-қўнғир қорага

яқинроқ, учлари оч-кулранг бироз пулатсимон бўлиши билан ажралиб туради. Элита ва биринчи синфли қўзилар 94,7 фоизни ташкил этган. Бу насли қўчқорнинг 34 авлодидан фойдаланилган.

Ясси линияси. Уруғбоши қўчқор № 6381-6385 рақамли кумуш рангбарангликдаги, элита синфли ясси қаламгул типли, мустаҳкам конституцияли, 1999 йилда туғилган, “Сарибел” наслчилик заводида келтирилган. 2003 йилда унинг авлодларида 49% элита ва 40% биринчи синфли ясси гул типдаги кучли ипаксимон ва ялтироқ, жун-толеси қисқа, териси юпка ва зич, узун яримдоира ва ясси қаламигуллар тор ёлгуллар билан уйғунлашиб паралел тўғри расм ҳосил қилади, рангбарангликнинг тери сатҳи бўйлаб тарқалиши ва сурлигининг номаён бўлиши аъло, жун толасининг асоси қорамтил учлари оч кумушсимон. Ҳозирги кунда бу насли қўчқорнинг 31 авлодидан унумли фойдаланиб келинмоқда.

Сур қоракўл тери етиштириш ҳажми йилдан йилга ошиб бормоқда, 1965 йилда 3,0% бўлса, 2010 йилда 96,4% га этган. Юқори навли терилар чиқиши ҳам ўсиб 90-92 % даражасида турибди. Қоракўл териларнинг ўртача сотиш баҳоси Республика қоракўлчилик хўжаликлари орасида энг юқори ўринни эгаллайди.

Хўжаликда олиб борилаётган мақсадли селекцион-наслчилик иши мавжуд молларнинг сифатий таркибини ҳамда қоракўл терилар сифатини яхшилади.

Ўзбекистон завод типига мансуб қўйлар олдин яратилган Нурота, Қизилқум, Навоий ва Свердлов завод типларидан кумуш рангбаранглигининг аниқлиги, юқори контрастлиги, сурлик даражасини 25-30% бўлиши билан фарқланиб туради, қаламигуллар тери сатҳи бўйлаб қоникарли тарқалганда ҳам ушбу кўрсаткичлар яхши номаён бўлади. Қўзилар туғилганида 300-500 грамм, катта ёшлигида 5,0-8,0 кг ўртача олганда йирикроқ, тери сатҳи катта 1500-1800 см², қалинлиги ўртача, ҳайвонлар марказий қизилқумнинг яйлов иқлим шароитига яхши мослашган, ҳаётчанлиги юқори бўлиб, оптимал қайта урчиш хусусиятига эга.

Янги яратилган завод типининг энг қимматли белгиси уларнинг юқори ирсий константлигидир – ранги бўйича бир хил жуфтлаш типда сур қўзилар чиқиши 97,0-99,0% ни, энг қимматли кумуш рангбаранглиги эса 85,0-87,0% ташкил этади. Наслчилик сурувларида қимматли элита ва биринчи синфли қўзилар ўртача 65,-6,7% ни ташкил этган. Линияли қўчқорлар авлодларида кумуш рангбаранглиги 90,0-92,0% га, элита ва I синфлилар 75,0-79,0 фоизга этган, қўзиларнинг 65,0-67,0 фоизи ўрта ва йириклашган гул ўлчамига эга, қаламигуллар узунлиги орқа қиррасида 27-32 мм, сағрисида 33-37 мм ни ташкил этган. Гул ўлчами катта қўзилар-32,0-35,0% ва майда гулдилар 1,5-2,0% бўлган.

Ҳозирги кунда ушбу завод типдаги қўйлар Навоий вилояти Конимех туманинг Абай номи ва “Қизилқум” наслчилик ширкат хўжаликларида урчитилмоқда. Уларнинг умумий сони 120 минг бош, фақатгина Абай номи наслчилик заводида 2010 йилда авлод сифати бўйича текширилган, келиб чиқиши маълум бўлган насли қўчқорлар 292 бош, элита синфли қўчқорлар 450 бош, биринчи синфли яримдоира қаламигулли кумуш рангбарангликдаги қўчқорлар 670 бошни ташкил этган. Сур рангли кумуш рангбарангликдаги яримдоира қаламигулли элита ва I синфли насли совлиқлар 16290 бош, шундан 3900 боши сараланган элита синфли қўчқорлар.

Шундай қилиб, олиб борилган чуқур селекцион наслчилик ишлари, фақат мустаҳкам конституцияли қўйларни қатъий танлаш натижасида, олимлар ва Абай номи наслчилик ширкат хўжалигининг мутахассислари билан биргаликда Бухоро зот типдаги сур рангли кумуш рангбарангликдаги яримдоира қаламигул типдаги қоракўл қўйларининг янги Ўзбекистон завод типини яратилган.

Янги завод типига мансуб қоракўл қўйлар йирик, мустаҳкам конституцияли, қумли чўлнинг қийин иқлим шароитига яхши мослашган. Қўзиларнинг туғигандаги тирик вазни 4,5-5,6 кг, 3-4 ёшли совлиқларнинг тирик вазни 45-50 кг ни ташкил этади. Ўртача бир қўйдан қирқиб олинган

жун миқдори 1,9-2,2 кг, қоракўл териларнинг 2/3 қисми катта сатҳли (тери сатҳи 1400 см² дан юқори), териларда асосан қаламигуллар, ёлгуллар учраб, жун-толеси қисқа ипаксимон ва ялтироқ, гулларнинг жойлашуви, уларнинг узунлиги, рангбарангликнинг намоён бўлиши, ранги ва рангбаранглиги бўйича бозор талабларига жавоб беради.

Шунга кўра “Шофиркон” линиясидаги кўчқорлардан фойдаланилганда уларнинг авлодида элита синфлилар -43,4%, кумуш рангбаранглиги 84,3% бўлиб, улар паралел концентрик расм ҳосил қилувчи узун яримдоира қаламигуллар билан уйғунлашган. Жун-толеси ўрта узунликда кучли ипаксимон ва ялтироқ, тола асоси тўқ қўнғир, учлари оч кулранг рангда.

“Нурота” линиясининг кўчқорлари ўзларинг авлодида 44% элита синфли кумуш рангбарангликдаги контрастлиги яхши бўлган жун қоплами кучли ипаксимон ва ялтироқ, текис зич; қаламгуллари узун, расми паралел концентрик, рангбаранглигининг намоён бўлиши аъло, жун толеси асоси қорага яқин, учки қисми оч кулранг бироз кучли тусда.

“Ясси” линиясининг авлодларида кумуш рангбарангликнинг чиқиши 89% ташкил этди. Жун қоплами кучли ипаксимон, ялтироқ, қисқа; қўзилар териси юпка, зич; узун ярим доира ва қисман ясси қаламгуллар, узун тор ёлгуллар билан паралел тўғри расм ҳосил қилади, рангбарангликнинг намоён бўлиши ва тери сатҳи бўйлаб тарқалиши асосан аъло, толалар асоси қорамтир, учлари оч кумушсимон.

Барча линияли кўчқорлар авлодида сур қўзилар 91,2-94,9% атрофида, шу жумладан кумуш рангбаранглик 67,4-75,3%, олмос 4,8-13,2%, тилла 9,9-24,8%.

Умуман олганда, Ўзбекистон завод типидagi линияли насли кўчқорлар рангбаранглигининг яққол намоён бўлиши, юқори контрастлиги билан ажралиб туриб, уларнинг катта қисми 25-30% сурлик даражасига эга. Қўзилар туғилганида 4,5-5,0 кг, тери сатҳи 1400-1500 см² ни ташкил этади. Катта ёшли ҳайвонлар Қизилқумнинг қаттиқ яйлов иқлими шароитига яхши

мослашган бўлиб, юқори ҳаётчанлик ва оптимал қайта урчиш хусусиятига эга.

Бундай насли кўчқорларни Бухоро зот типидagi сур қўйларида рангбаранглиги бўйича бир хил жуфтлашда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. “Шофиркон” линиясидagi кўчқорлардан фойдаланиш улар авлодида яримдоира қаламгулли қўзилар чиқишини кўпайтириш имконини беради. “Нурота” линиясидagi кўчқорлардан фойдаланиш бошқа ижобий сифатлар билан биргаликда, рангбарангликнинг контрастлигини яхшилаш, “Ясси” линиясидagi насли кўчқорлар эса авлодларда ипаксимонлик ва ялтироқликнинг кучайишига, жун қоламининг қисқаришига, терисининг юпкалашувига, қовурғасимон ва ясси гуруҳдagi қўзилар чиқишининг ортишига олиб келади.

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқотлар ва кузатишларни кўрсатишича Ўзбекистон завод типидagi насли кўчқорлар авлодларга юқори барра тери сифатларини узатишда турғун ирсиятга эга, шу билан бирга алоҳида линияли насли кўчқорлар орасида айрим белгиларни авлоддан-авлодга беришда тафавутлар мавжуд, бундан эса селекцион-наслчилик иши жараёнида Бухоро сури зот типидagi сур қўйларни урчитишга ихтисослаштирилган хўжаликлар шароитида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Қоракўлчиликда юқорида қайд этилган фикрларни инобатга олиб селекция-наслчилик ишларини юритиш, табиийки, юқори натижаларга эришиш, селекция жараёнининг самарадорлигини ошириш имконини беради.

Шу нуқтаи назардан диссертация ишида Қоракўл қўйларни серпуштлиги бўйича селекциялаш хусусиятлари таърифлаш ва ундан кенг миқёсида фойдаланишга тавсиялар бериш долзарб деб топилди.

III. Хўжаликнинг тарихи, жойлашган ўрни ва табиий иқлим шароити

“Абай ” номли наслчилик қоракўлчилик ширкат хўжаликлари Навоий вилояти Конимех туманига қарашли бўлган хўжаликлардир.

“Абай ” наслчилик хўжалиги Бухоро вилоятининг Шовфиркон тумани яйловларида 1964 йилда ташкил топган, янги ташкил топган хўжаликларда асосан қора рангли қоракўл қўйлари мавжуд бўлиб, ҳозирги йилларгача қисман шу ранг қўйлар бор. 1965 йилдан бошлаб сур ранг қўйлар кўпайтирила бошлаган, 1966-1967 йилларда Бухоро вилояти собиқ Сверлов тумани калхозидан 250 бош сур қўчқорлар келтирилди. Республика қишлоқ хўжалик қарорига асосан бў хўжалик сурчиликка айлантирилди.

Хўжаликда наслчилик ишини ўтказиш қуйидаги даврларга бўлинади.

I – давр (1964-1969 йиллар). Думбали ва дурагай қўйларни подадан камайтириш ва сур ранг қўйларни кўпайтириш ишлари олиб борилган. Шу давр ичида қора ранг қўйларнинг сони 23 фоизга камайиб подада сур ранг 34 фоизга йетказилди

II – давр (1970-1982 йиллар). Бу даврда подада сур ранг қўйлар миқдори 34 фоиздан 70 фоизга йетди. 1971 йилда хўжаликнинг биринчи фермаси наслчилик фермасига айлантирилди.

III – давр (1983-1992 йиллар). Бу даврда пода билан чуқир наслчилик иши ўтказила бошлади ва бу завод талабига жавоб берадиган подани такомиллаштириш вазифаси қўйилди. Наслчилик ишини бу даврда Самарқанд Қишлоқ хўжалик институти олимларининг бир гурихи Солиев Ворис Холбоевич бошчилигида хўжаликка яқиндан ёрдам кўрсатдилар.

1984 йили “Нурато” наслчилик хўжалигидан 50 бош “Свердлов” хўжалигидан 200 бош сур қўчқорлар келтирилди.

Пода сифатининг юқори бўлганлигини ҳисобга олиб хўжалик 1988 йили наслчилик, 1992 йилда еса давлат наслчилик заводи даражасига ўтказилди.

1995 йили “Абай” ва “Қизилқум” наслчилик жамоа хўжаликларида “Ўзбекистон кўмиш сури” номли янги завод типи яратилганлиги Қишлоқ хўжалик вазирлигининг 147 рақамли буйруғига асосан тасдиқланди.

Буйриқда унинг муаллифлари ситфатида С. Юсупов, В. Х. Солиев, П. Сулаймонов, А. Назаров, М. Эгамқулов, С. Бозоров, Н. Баринаова, Ж. Жураев ва бошқалар. Бажарилган илмий амалий ишлар натижасида йилдан йилга сур терилар салмоғи кўпайиб бориб бу кўрсаткич ҳар иккала хўжаликда 80-85 фоизга етказилган.

Хўжалик қизилқумнинг шимолий минтақасида жойлашган бўлиб, иқлими кескин ўзгарувчан, киши совуқ ўртача $-13,5^{\circ}\text{C}$ ва ундан юқори, ёзи иссиқ $+45,0^{\circ}\text{C}$. Ёғингарчилик асосан қиш ва баҳор ойлари ёғади. Ўртача ёғин миқдори 165,7 – 188,5 мм бўлиб қиш ва баҳор фаслларида тўғри келади, ёзда ёғин деярли бўлмайди. Йиллик ҳавонинг нисбий намлиги 52 % ни ташкил этади.

Хўжаликнинг яйлов ҳосилдорлиги турли хил бўлиб қизилқумнинг бошқа ҳудудларига қараганда анча ҳосилдорлиги яхши, ўртача 3-5 ц.ни ташкил қилади. Хўжаликда асосан ранг ўсимлик эфемероидлар бир йиллик ўтлардан илок, ялтирбош арпоғон, қўнғирбош ва бошқалари кўп учрайди. Бундан ташқари бута ва ярим буталарда сингрон боржок, салин, черкез, коврак, оқ ва қора саксовул ўсимликлари ҳам кўп учрайди ва қуйидагича таърифланади.

Илок - Ҳилолдошлар оиласидан, қумсевар илдизпояли эфемероид, бўйи 15-25см. У кучли ва кам ривожланган қумлар, қум тепаликлар орасидаги текисликлар, қумли тупроқларнинг шўрланмаган майдонларида кенг тарқалган. Қумни мустаҳкамловчи ўсимлик, унинг илдизлари тупроқнинг юза қисмида кучли ривожланган. Февралнинг охиридан майсалай бошлайди. Куз серёмғир, илиқ келса, октябрь-ноябрь ойларида ҳам кўкаради, мартда гуллайди, апрелда уруғ беради. Қумли яйловларнинг барча зотли моллари учун ўта муҳим баҳорги кўкат ҳисобланади Қуруқ хашаги ҳам тўйимли озуқа. Баҳорда илок пичанида (гуллаш даври) 14,1% протеин, 2,7%

ёғ, 48,8% АЭМ ва 24,1% клетчатка бор. 100 кг пичанида 94 озука бирлиги сақлайди.

Ялтирбош – Ғалладошлар оиласига мансуб, бўйи 15-40 см келадиган бир йиллик ўт. Зичлашган қумлар, бўз тупроқлар ва қўнғир-бўз тупроқларда кенг тарқалган. Февраль-мартда униб чиқади, апрелда гуллайди ва уруғ беради. Қўкат ҳолида ҳам қуриганида ҳам чорва моллар учун яхши озиқа. Уруғ тугиш даврида пичани таркибида 17,5% протеин, 3,6% ёғ, 45,0% АЭМ, 8,5% кул моддалари ва 25,27% клетчатка сақлайди. Тўйимлилиги 92,3 озука бирлигига тенг. Қумли, гипсли чўл яйловлари маҳсулдорлигини оширишда истиқболли фитомелиорант.

Қўнғирбош – Ғалладошлар оиласига мансуб, бўйи 15-35см, эфемероид. Турли-туман тупроқ, экологик шароитларда (гипс, бўз, шағалли тупроқларда, тоғ этаклари) кенг тарқалган тур. Эрта баҳорда майсалайди, апрель майда гуллайди ва уруғлари пишади. Уруғи қўнғир пиёзча, шунинг учун ҳам уни қўнғирбош деб аташган.қўкат ҳолида ҳам, қуригандан кейин ҳам чорва молларининг тўйимли хуш кўриб ейилувчи озиғи ҳисобланади. Унинг пичани таркибида 10,1% протеин, 1,5% ёғ, 4,4% АЭМ ва 35-40% клетчаика сақлайди. 100 кг пичанида 64,6 озука бирлиги бор. Табиий яйловлар маҳсулдорлигини оширишда истиқболли фитомелиорант.

Арпағон - Ғалладошлар оиласидан, бўйи 10-25см, эфемер. Қум ва бўз тупроқли майдонларда ўсади. Март-апрелнинг бошларида кўкариб чиқади май ойида уруғлари пишади. Уни чорва моллари кўклигида ҳам қуриганидан кейин ҳам яхши ейди. Об-ҳаво қулай келган йиллари ундан хашак жамғариш мумкин.

Читир- Крестгулдошлар оиласига мансуб, бўйи 10-50, эфемер, Ўзбекистонда читирлар туркумига кирадиган ўсимликларнинг 14 тури мавжуд. Читирлар чўлларда турли-туман тупроқ шароитларда ўсади, аксарият адир ва тоғ олди яйловларида кенг тарқалган. Читирлар орасида энг тўйимлиси ва ҳосилдори оқ. читирдир. Оқчитирлар март ойида майсалайди, апрель-майда гуллайди, май-июнда уруғи пишади. Оқчитирни барча турдаги

чорва моллари хуш кўриб ейди. Пичани эса ўта тўйимли бўлиб, ундан озикланган моллар тез семиради. Оқчитир пичани таркибида 24.2% протеин ва 22,6% клетчатка мавжуд. 100кг пичанида 96,2 озука бирлиги бор. Сернам йиллари чорвадорлар кўплаб читир хашаги ғамлайдилар. Читирлар яйловлар маҳсулдорлигини оширишда ҳам истиқболли ўсимликлар ҳисобланади.

Нўхатак – Дуккакдошлар оиласидан, бўйи 10-40см келадиган бир йиллик ўт. У бўз, қўнғир - бўз, тупроқларда зичлашган қумларда ўсади. қоракул қўйлари, эчки, қорамолларнинг тўйимли озиғи. Уни чорва моллари қўкат ҳолида ҳам, пичан ҳолида ҳам яхши истеъмол қилади. Нўхатак пичани таркибида (уруғ туғиш даврида) 22,37% протеин, 2,65% ёғ, 49,8% АЭМ, 10,36% кул моддалари ва 14,9% клетчатка мавжуд.

Ранг, қорабош - Ҳилолдошлар оиласига мансуб эфемероид бўйи 6-25см. Соз, қумоқ, механик таркибли бўз тупроқларда тарқалган ўсимлик. Ранг тупроқнинг юқори қатламини бутунлай қамраб олади. Эрта баҳор (куз) майсалайди, апрель ойида гуллайди, майда уруғлари пишади.

Бошоғи қўнғир қорамтир тусда бўлгани сабабли қорабош номи билан ҳам аталади. Барча зотли чорва- моллари, бутун йил давомида хуш кўриб ейувчи озуқа. Ранг пичани таркибида 19% протеин, 4,5% ёғ, 46% АЭМ ва 20,5% клетчатка бор. 100 кг пичани таркибида ёзда 51,7 озука бирлигига эга.

Бир йиллик шўра ўтлар.

Балиқ кўз - Шўрадошлар оиласига мансуб бир йиллик ширали шўра ўт. Ўсимликнинг бўйи 20-60см. Барглари этли, ширали, яримяссимон, қўнғир ҳаворанг тусда. Тақирсимон, қўнғир-бўз, турли даражада шўрланган қумлар. Шўрхоқ майдонлар атрофларида ўсади. У март ойида униб чиқади. Июль август ойида гуллайди, уруғлари сентябрь-октябрда пишиб етилади. Балиқкуз куз ва қишда қўй ва туялар учун яхши озуқа ҳисобланади. Бошқа бип йиллик шўра ўтлар қатори балиқкуз қочириш даврида муҳим озуқа ҳисобланади. Балиқкуз пичани таркибида 6,6% протеин, 5,6% ёғ, 19,3% АЭМ ва 18,9% клетчатка бор. 100 кг пичани баҳорда 23, ёзда 47, кузда 36 ва қишда 30 озуқа

бирлигини сақлайди. Шўрхок тупроқли яйловлар, гипсли чўл яйловлари маҳсулдорлигини оширишда истиқболли тур.

Донашур - Шўрадошлар оиласидан, паст бўйли бир йиллик ширали шўра ўт. Тақирлар ва шўрланган тупроқларда ўсади. Пояси тик, асосидан шохланган кўлранг тусда. Пастки барглари ясси, устки барглари навбатлашиб жойлашган, этли, икки томони ва тукчалар билан қопланган. Донашур март ойида униб чиқади, май-июнда гуллайди, уруғлари анча эрта (август-сентябрь пишиб етилади). У қўй ва туялар учун куз ва қиш ойлари давомида ейилувчан озуқа ҳисобланади. 100 кг куруқ пичанида 34 озуқа бирлиги бор. Шурланган яйловлар маҳсулдорлигини оширишда истиқболли тур.

Оқ шувок– (ёвшон, жусан) – бир йиллик новдалари кўнғир яшил рангли, барглари майда, кучли қирқилган. Поя ва барглари оқ тукчалар билан қопланганлиги сабабли, уни оқ шувок ҳам деб аташади. Оқ шувок пичани уруғ бериш палласида қуйидаги озуқа таркибига эга. Протеин 8,0%, ёғ – 5,5%, АЭМ-35,2%, кул моддалари 6,7% ва клетчатка 45,4%. 100 кг пичани таркибида йил мавсумлари бўйлаб 66-18 озуқа бирлигига (ўртача 31 озуқа бирлиги) эга.

Изен– Шўрадошлар оиласига мансуб ярим бута. Бўйи 30-85 см. изен 3 экотипга ажратилади: қумли, шағалли ва соз тупроқли. Қумли изеннинг новдалари оқиш рангдаги туклар билан қопланган. Баргчалари кичикроқ Қизилқум, Муюнкун ва бошқа қумли чўлларда ўсади. Қумли ва қумоқ чўл яйловларини яхшилашда истиқболли ўсимлик. Шағалли ёқитошлоқ тупроқли изеннинг новда ва барглари яшилроқ рангли, тўпланган. Адир ва тоғ олди худудларининг шағалли, тошлоқ майдонларида турли механик таркибдаги бўз тупроқларда тарқалган. Чўл ва адирлар шароитида яйлов агрофитоценозлар барпо этиш учун ўта муҳим фитомелиорант.

Соз тупроқли изен очик сарик, баъзан кизғиш рангдаги новдалардан иборат бўлиб, тукланиш даражаси бирмунча камлиги билан фарқланади. Табиий ҳолда соз тупроқли тоғ олди майдонларида ва шўрланган тупроқларида тарқалган. Изен март ойида кўкаради, ён шохчалар, новдалар

хосил қилиб, эрта баҳордан кеч кузгача узоқ вақт кўкат ҳолида бўлади. Май-сентябр ойлари гуллайди, уруғлари сентябр-октябр ойларида пишади.

Шувоқлар – Мураккабдошлар оиласига мансуб ярим бута, хашакбоп ўсимликлардир. Бўйи уларнинг турларига қараб 20-100 смга етади. Чўлларнинг барча типларида турли-туман тупроқ шароиталарда кенг тарқалган тур. Илдиз системаси асосан тупроқнинг юза қисмида (0,6-1,2 метр) тарқалган. Февралнинг охири мартнинг бошларида кўкаради ва харорат кескин кўтарилиши ва тупроқда нам камайиши билан (июн-август ойларида) ўсишдан тўхтайди. Сентябрдан бошлаб ўсишни давом эттиради. Сентябрнинг охириларида гуллайди, уруғлари ноябрда пиши етиради.

Шувоқларни чорва моллари асосан куз ва қиш мавсумларида хуш кўриб ейди. Шувоқзор қоракўл тери сифатини яхшилашда муҳим аҳамият касб этади. Шувоқлар кузги-қишки ва йил давомида фойдаланиладиган яйловлар барпо этишда муҳим хашакбоп ўсимликлардир.

Харидандон, Бузоқбош – Шўрадошлар оиласига мансуб бир йиллик шўра ўт, бўйи 25-30см. Шўрхоқлар, тақирлар ва бошқа шўрланган тупроқларда ўсади. Барглари чизикли, узунлиги 4-5см, ширали, этли, зич жойлашган тукчалар билан қопланган. Апрель-октябрь ойигача кўкаради, сентябрь-октябрда уруғ беради.

Ўсиш даврида чорва моллари харидандонни деярли емайди: куз ва қиш мавсумларида қўйлар ва туялар уни яхши ейди, семиртирувчи озука ҳисобланади. Уруғ бериш палласида харидандон пичани таркибида 7,1% протеин, 2,5% ёғ, 34% АЭМ ва 21,4% клетчатка бўлади. 100кг пичанидаги озука бирлиги қуйидагича ёзда 47, кузда 36, қишда 30. Шўрланган яйловлар ва тақирларнинг маҳсулдорлигини оширишда.

Оқ саксовул– Шўрадошлар оиласига мансуб 3-4 м баландликдаги дарахтсимон бута, у қора саксовулдан фарқ қилиб қумларда тарқалган ва танасининг оқ пўст билан қопланганлигидадир.

Қўй, эчки ва туялар куз ва қиш мавсумларида унинг юмшаган новдаларини, уруғини яхши ейди. Оқ саксовулнинг пичанида 3,0-10,0

протеин 25,0-40,0% АЭМ ва 13,0-16,0%. клетчатка мавжуд. 100 кг пичанида 53 озука бирлиги бор. Оқ саксовулдан қумли майдонларни мустаҳкамлашда, яйловлар маҳсулдорлигини оширишда кенг фойдаланилади.

Қизил қандим – Торондошлар оиласига мансуб, бўйи 1,5-2,5 метргача бўлган дарахтсимон бута, Қизилқандим кучувчан ва кам зичлашган қумларда кенг тарқалган. Мартнинг иккинчи ярми - апрелнинг бошларида кўкара бошлайди, майнинг биринчи ун кунлигида гуллайди, июннинг охирида уруғлари пишади. Бир йиллик новдалари баҳор ва ёз ойлари яхши ейилади. Қандимнинг пичани таркибида гуллаш даврида 12,5% протеин, 1,1% ёғ, 34,4 АЭМ, 19,4% кул моддалари ва 30,0% клетчатка мавжуд. 100 кг пичани йил мавсумига қараб 37-59 озука бирлигига эга. Қумли яйловлар маҳсулдорлигини ошириш, кучувчан қумларни мустаҳкамлашда фойдаланилади.

Қизилча боржоқ– зағозадошлар оиласидан, бўйи 1,5-2 метрга етадиган, кучли шохланган, доимий яшил бута. Аксарият қумли чўлларда тарқалган бўлиб, юзаси қумоқлашган гипсли тупроқларда ҳам учрайди. Вегетатив усулда кўпаяди, бир асосий илдизпоя атрофида ёрдамчи илдизлар воситасида бир талай Янги новдалар вужудга келади. Чорва моллари уни йилнинг барча мавсумларида фойланадиган озуқа ҳисобланади. Гуллаш давридаги озуканинг қиймати қуйидагича: протеин – 16,8%, ёғ – 3,7%, АЭМ – 31,6%, кул моддалари – 9,6%, клетчатка 30,4%. 100 кг пичанида баҳор пайтида 73,6 озука бирлиги бор. У қумларни мустаҳкамлашда, чўл минтақаси учун манзарали ўсимлик сифатида истиқболли.

Сингрэн– Дуккакдошлар оиласидан, бўйи 70-120 см бутача. Қумли ва гипсли чўлда тарқалган. Марказий Осиё қумли чўлларининг эндемиги. Поялари йўғон, сершоҳ, очикранг тукчалар Билан қопланган. Март ойида кўкаради, апрель-майда гуллайди, уруғлари июнда пишади.

Чорва моллари унинг бартчалари, гуллари дуккаклари ва бир йиллик новдаларини истеъмол қилади. Юқори тўйимли озуқа: ғунчалаш даврида пичани таркибида 19,8% протеин, 2,56% ёғ, 10,4% кул моддалари, 32,5%

АЭМ ва 26% клетчатка сақлайди. Тўйимлилиги: 100 кг пичанида баҳорда 61 ва кузда 32 озуқа бирлиги бор. Қумли чўллар маҳсулдорлигини оширишда истикболли фитомелиорант.

Дағал пояли ўсимликлар.

Янтоқ – дуккакдошлар оиласига кирувчи, буйич 50-130 см атрофидаги кўп йиллик ўсимлик. Ўзбекистонда янтоқнинг 4 та тури бўлиб, улардан энг кўп тарқалгани ёлғон янтоқдир. Янтоқ кам шўрланган, нам Билан таъминланган майдонларда, дарёлар узанларида, паст текисликларнинг ер ости сувлари яқин жойлашган майдонларида кўпроқ тарқалган. Унинг кучли риволанган илдизи ер ости сувлари тарқалган тупроқ қатламларигача етиб боради. Пояси сершоҳ, новдалари силлиқ, туксиз уткир бурчакли тик ўсувчан. Барглари тухумсимон чўзиқ, тиканчаларининг узунлиги 1-3 см бўлиб, ўзгарган новдлара ҳисобланади. Апрельда кўкаради, июн-августда гуллайди, уруғлари сентябр-октябрда пишиб етилади. Янтоқ чорва моллари учун тўйимли озуқа ҳисобланади, айниқса қорақўл қуйлари учун қишқи хашакдир. Гуллаш даврида пичани таркибида 12,6% АЭМ мавжуд. 100 кг пичанида 33,5 озуқа бирлигига эга. Янтоқлар шифобахш ва шакар йиғувчи, ҳамда асаларичиликда қўлланилувчи ўсимликлар сифатида ҳам диққатга сазовор. Яйловлар маҳсулдорлигини оширишда қўлланиладиган истикболли ўсимлик.

Каррак оқ каррак -Мураккабдошлар оиласига мансуб, буйи 40-60 см, намгарчилик йиллари 1 метргача етадиган икки йиллик ўсимлик. Адирлар ва тоғ этакларида энг кўп тарқалган. Барглари қирқилган, учи тиканли, остки томони оқ тукчалар Билан қопланган. Ҳар йили тўпбарглар ҳосил қилади, қулай шароит бўлгач, поя чиқаради ва гуллар шу Билан қурийди. Май ойида гулга қиради, июнда уруғлари пишиди.

Ўсиш даврида карракни фақат туялар истеъмол қилади, бошқа чорва моллари эса фақат пичанини янчилган ҳолида ейди. Шоналаш даврида каррак пичанида 9% протеин, 44% клетчатка ва бошқа зарур моддалар сақлайди. Каррак қорақўлчилик ҳудудлари учун қиш ойлари мобайнида қўшимча озиқлантиришга мўлжалланган озуқа тайёрлашда муҳим манбаа ҳисобланади.

Селин– Бошокдошлар оиласидан, буйи турига қараб 40-60 смдан 80-150 смгача етадиган, чим ҳосил қилиб ўсувчи кўп йиллик ўтчил ўсимликлар. Урғочи ва нар селинлар қумли чўлларда кенг тарқалган. Илдиз системаси ён томонларга кучли ривожланган, иккаласининг ҳам биологик хусусиятлари одатда кескин фарқ қилмасда, туйимлик жиҳатдан урғочи Селин бироз устунроқ. Урғочи селиннинг барглари ингичка, қаттиқ лентасимон, бутун илдизи олдидан ўсиб поясини нов ҳолида ўраб туради. Илдизи чим ҳосил қилиб, диаметри 0,5-1,0 смга етади. Эрта баҳордан ёзнинг ўрталаригача майсалайди, май ойида гуллайди, уруғлари июлда пишади. Ўсиш даврида ейилувчанлиги юкори эмас, ундан тайёрланган пичанни барча турдаги чорва моллари яхшироқ ейди. Унинг пичанининг озуқавий қиймати: протеин 3,7%, клетчатка 44% борлиги аниқланган. 100 кг пичанида 34,5 озуқа бирлиги сақлайди. Кўчувчан қумларни мустаҳкамлашда муҳим фитомелиорант.

Каврак – Соябонгулдошлар оиласига мансуб, буйи 100-120 смга етадиган монокарпик (ҳаётида бир марта гуллаб мева берадиган) кўп йиллик ўсимликдир. Каврак баҳорда кўкариб, фақат илдизи олди барглари ҳосил қилади. Барглари йилдан-йилга катталашиб боради, илдизи эса йўғонлашиб кўп миқдорда озуқ моддалар тўплайди. У ҳаётининг 7-13 йиллари поя ҳосил қилади ва гуллайди.

Уруғ бериш палласига кирган йили баргларининг узунлиги 50-60 см, диаметри 1 метргача етади. Маар-апрел ойларида гуллайди. Генератив новдасининг учиди сариқ рангли мураккаб соябончали тўпгул ҳосил қилади, уруғлари май-июн ойларида пишади. Кавраклар кўкат ҳолида деярли ейилмайди. Пичан ҳолида истеъмол қилинади. Каврак уруғида 14-19% протеин, 8% ёғ, 37-47% АЭМ ва 23-27% клетчатка бор. Каврак поясидан чиқадиган чирк «асафетида»дан шарқ тиббиётида фойдланилади, илдизидан каврак крахмали олинади. Адир ва тоғ олди яйловларини бойитишда қўлланилиши мумкин.

Хўжалик яйловларининг сув таъминоти. Хўжаликнинг яйлов майдонларининг сув билан таъминланиши асосан қудуқ ва скважиналар

хисобидан бўлиб қўйларни ичимлик суви билан таъминлаш имконини яратади, шунингдек хўжалик худудининг шимолий қисмида Айдаркул қўли жойлашган бўлиб бу ҳам хўжалик қўйларини сув билан таъминлашда ўз ўрнига эгадир. Хўжаликнинг ишлаб чиқариш иқтисодий кўрсаткичлари қўйидаги жадвалларда келтирилган.

Хўжаликда ердан фойдаланиш

1-жадвал

№	Кўрсаткичлар	Гектар	Жамига нисбатан % хисобда
1	Жами ер майдони	110000	100
2	Шу жумладан ишлатиладиган ерлар	101000	96
3	Экиладиган ер майдони	34	0,02
4	Яйлов	100000	76,7
6	Боғ кўчатлари	5	0,002

1-жадвалдан кўриниб турибдики “Абай” наслчилик ширкат хўжалигида жами ер майдонининг асосий қисмини 100 гектарини яъни 76,7 гектарини яйловлар ташкил қиляпти. “Абай” хўжалигида экиладиган ер майдони 34 гектарни ташкил қилади.

Хўжаликни чорвачилик озиқаси билан таъминлаш

2-жадвал

Йиллар	Дағал озиқа, ц	Концентрат озиқа, ц
2010	74936	16750
2011	82891	24300
2012	66829	13245

Жадвалдан маълумотидан кўриниб турибдики хўжаликда дағал ва концентрат озиқаларни жамғариш учун катта эътибор берилиб келинмоқда.

Охирги йилларда концентрат озиқаларнинг нархи қимматга тушганлиги сабабли маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига катта таъсир кўрсатмоқда. Хўжаликда 2012 йилга келиб дағал озиқа тайёрлаш 2011 йилга нисбатан 24835 центнерга камайиб кетган бунинг сабаби яйлов ҳосилдорлигининг 2012 йилда кескин пасайиб кетганлиги билан изоҳлаш мумкин. 2013 йилда эса озиқа жамғариш режаси тўлиғича бажарилди.

Хўжаликдаги мол туёғининг сони

3-жадвал

№	Кўрсаткичлар	2011	2012	2013
1	Жами қўй	62628	68587	61245
2	Совлиқлар	38098	41002	36458
3	Наслдор қўчқорлар	3100	2958	2212
4	Отлар	230	275	289
5	Туялар	159	178	189

“Абай” наслчилик ширкат хўжалигида мол туёғининг сони 2011 ва 2012 йилларда ошиб борган. Хўжаликда қўйларнинг бош сони 2011 йилга нисбатан 2012 йилда 5959 бошга кўпайган. 2012 йилнинг бошида яни феврал ва март ойларида қишнинг оғир келганлиги туфайли мол бош сони 2012 йилга нисбатан 7342 бошга камайган насли қўчқорлар эса 2012 йилга нисбатан 2013 йилда 746 бошга камайган. Совлиқлар сони 2012-йилга нисбатан 2013 йилда 4544 бошга камайган. Хўжаликда отлар ва туялар бош сонида унча сезиларли ўзгаришлар кузатилмади.

Қоракўлчиликдан олинган маҳсулот

4-жадвал

№	Кўрсаткичлар	2011	2012	2013
1	Ҳар 100 бош қўйдан олинадиган кўззи , (бош)	101,8	105,8	100,2
2	1 бош қўйдан қирқиб олинган жун , (кг)	1,77	1,8	1,52
3	1 бош қўйнинг тирик вазни , (кг)	42,6	45,0	42.2

“Абай” наслчилик хўжалигида барча маҳсулотлар олиш режаси бажарилган. Бир бош қўйдан кўзи олиш режаси 2011 йилда 101,8 бўлган ўтган 2013 йилда эса ушбу кўрсаткич 100,2 бошни ташкил қилган. Бир бош қўйдан олинган жун миқдори ва 1 бош қўйнинг тирик вазни ҳам кейинги йилларда камайиб борган. Бу ҳолатни 2012 йилнинг қиш ойларининг кескин оғир келишининг таъсири деб изоҳлаш мумкин.

Хўжаликда маҳсулот ишлаб чиқариш

5-жадвал

№	Маҳсулот тури	Ўлчов бирлиги	2011	2012	2013
1	Қоракўл тери	дона	24235	24558	18456
2	Жун	ц	1198.0	1256.4	1112.3
3	Гўшт	ц	5678	5729	6118

“Абай” наслчилик хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш режаси бажарилиб келинмоқда. 2011- 2012 йилларда қоракўл тери, жун ва гўшт ишлаб чиқариш режалари ортиғи билан бажарилган. Лекин 2013 йилда юқоридаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш бир мунча камайган буни таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, қоракўл тери етиштириш 2013 йил 2012 йилга нисбатан 6102 донага камайган, жун ишлаб чиқариш 144,1 центнерга

камайган. Аксинча гўшт ишлаб чиқариш режадагидан 389 центнер кўп ишлаб чиқарилган.

Хўжаликда маҳсулот сотиш

6-жадвал

№	Маҳсулот тури	Ўлчов бирлиги	2011	2012	2013
1	Қорақўл тери	дона	23260	23916	18114
2	Жун	кг	969	1128.7	902.4
3	Гўшт	кг	5486	5675	5712

Хўжаликда қорақўлчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан сотиш ўртасида унча катта фарқ йўқ бўлиб ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сотилган. Сабаби бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлат режаси бекор қилинди. Шу сабабли кўп маҳсулотлар, фирмалар, кичик корхоналар МДХ давлатлари билан тўғридан тўғри ёки “кимошди” совдолари томондан сотилмоқда. Бу йўналишлар албатда қорақўлчилик маҳсулотларининг ҳақиқий нархини белгилаб бериши учун қилинган катта босқичдир.

Маҳсулотларни сотиш баҳоси

7-жадвал

№	Маҳсулот тури	Ўлчов бирлиги	2012
1	Қорақўл тери 4669	дона	26500
2	Жун	ц	1000
3	Гўшт ,т/в	ц	924521

Юқоридаги 7-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики хўжаликда 2013 йилда ишлаб чиқарилган қорақўл тери 26500 сўмдан сотилди бир дона терининг таннархи 17562 сўмни ташкил қилди ва олинган фойда 8938 сўм бўлди. Шунингдек бир килограмм тирик вазндаги қўй гўшти 9245,21 сўмдан сотилди, бу албатда хўжалик иқтисодий аҳволининг юқори бўлишига сабаб бўлди. Жунни ушбу йилда 1000 сўмдан сотилди.

Маҳсулотларнинг таннарни

8-жадвал

№	Маҳсулот тури	2012	2013
1	Қорақўл тери , дона	14687	15587,5
2	Жун , кг	503.4	679,52
3	Гўшт (тирик вазинда) ,ц	371305	587691

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики “Абай” наслчилик ширкат хўжалиги чорва маҳсулотларга қилинган ҳаражатларни тўлиқ қоплайди. Қорақўл терисининг таннарни 15587,5 сўм, хўжаликда бир дона қорақўл терисини 26500 сўмдан сотди. Бир дона теридан келадиган фойда 10912,5 сўмни ташкил этади. Шунингдек гўшт ва жун ишлаб чиқаришдан ҳам фойда олинди.

Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги

9-жадвал

№	Маҳсулот тури	Ўлчов бирлиги	миқдори	маҳсулот таннарни	сотиш нархи	олинган фойда	Рентабеллик даражаси
1	Қорақўл тери	дона	18114	15587,5	26500	10912,5	70.008
2	Жун	кг	1212.4	679,52	1000	320.48	47.16
3	Гўшт	кг	5712	587691	92452 1	336830	57.3

9-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики 2013 йилда хўжаликда 18114 дона қорақўл тери ишлаб чиқарилган , таннарни 15587,5 сўмни ташкил

этган бўлиб 26500 сўмдан сотилган ва рентабеллик 70.0 фоизга юқори бўлган. Жуннинг рентабеллик даражаси 47.16 фоизга юқори бўлган. Шунингдек гўшт ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги 57.3 фоизга юқори бўлган. Демак хўжалик ишлаб чиқарган чорвачилик маҳсулотларнинг барчасидан фойда олган.

IV. ТАДҚИҚОТНИ БАЖАРИШ ШАРОИТИ ВА УСЛУБИ

Қоракўлчиликда кўп йиллар мобайнида селекция ва наслчилик ишлари асосан гул сифатларини такомиллаштириш, қоракўл териларнинг ранг ва рангбаранглик ассориметини бойитиш йўналтирилган. Ҳозирги кунда қоракўлчилар олдида қўйларни йил бўйи яйлов шароитида озикланиришга асосланиб, ишлаб чиқаришни турғун ўсишига, бозорни экспортбоп маҳсулот билан тامينлаш вазифаси қўйилган.

Қоракўлчилик маҳсулотларини сифатини ошириш ҳамда ишлаб чиқаришни кўпайтиришни ҳал қилувчи масалаларидан бири сурувнинг

биологик имкониятларидан мақсадли ва рационал фойдаланиш йўли билан уларни тоза зотли урчитишда табиий пушторлигини оширишнинг селекцион ва технологик услубларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Қоракўл қўйларининг табиий пушторлигини ошириш муаммоси биологик муаммолар орасида кенг қамровли, чуқур ва ҳар томонлама бўлиб, амалий фаолият ва назарий ишланмалар учун бир хил аҳамиятга эга.

Қўйлар пушторлиги қийин ирсийланувчи белги бўлиб, генларнинг аддитив қисми таъсири билан шартланган. Генларнинг фақат аддитив қисмини ҳисобга олишда пушторликнинг наслдан-наслга берилиш даражаси паст бўлади. Шу сабабли қўйларнинг пушторлигига ирсий ўзгарувчанликнинг кучсиз таъсир этиши ҳақида нотўғри хулосалар пайдо бўлади (А. М. Омбаев, М. А. Виноградова 2007).

Қоракўлчилик амалиётида пушторликни гонадотроп препаратлар, бошқа серпушт зотлар билан чатиштириш йўллари билан оширишга кўплаб уринишлар бўлган, аммо пушторликнинг ошиши билан бир қаторда уларнинг авлодларида салбий сифатий ўзгаришлар намоён бўлиб, бу усулларни қўллаш деярли самара бермаган.

Қизил-қум яйловлари Ўзбекистоннинг қоракўл қўйлари урчитилаётган асосий регионларидан ҳисобланиб, қоракўл қўйларини урчитишда фойдаланилаётган ер майдони 12,0-13,0 млн. гектарни ташкил этади. Бу яйловлар бошқа қоракўл қўйлари урчитилаётган ҳудудлардан ўзининг иқлим шароитларининг спецификлиги, ўсимлик қопламининг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Шу муносабат билан қоракўл совлиқларининг репродуктив функцияларининг намоён бўлиш қонуниятларини ўрганиш сурувнинг қайта урчишини оптимал ташкил этиш ва соҳанинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имконини беради.

Қоракўлчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш салмоғини оширишнинг муҳим буғини бу сурувни қайта урчитишни тўғри ташкил этиш ҳисобланади, бу эса кўп жиҳатдан совлиқларнинг ўз вақтида куйга келишига ва уларнинг тўла қонли уруғлантирилишига боғлиқ.

Қоракўл қўйлар сурувини қайта урчитишини тўғри ташкил этиш учун уларнинг кўпайишининг нафақат умумий, балким специфик бўлган функцияларини ҳам билиш зарур.

Шу муносабат билан тоза зотли урчитишда бир туғишда иккита кўзи олиш имконини берувчи селекция услубини ишлаб чиқиш истиқболли ҳисобланади.

Тажриба вазифаларини бажариш мақсадида 2013 йили август ойида сур рангли ҳар хил ёшдаги, конституция типидagi ва семизликдаги совлиқлар бир отарга тўпланди. Октябр-ноябр ойларида уларни сунъий қочириш жараёнида куйга келиши ва уруғланиши каби ҳислатлари ўрганилди.

Тадқиқотларимизда қўйларнинг ёши, конституцияси ва семизлик даражасига қараб режали қочирим даврида куйга келиш даражаси ўрганилди. Куйга келган совлиқлар излаб топувчи қўчкорлар ёрдамида сунъий уруғлаш давридан олдин беш кунлик кесимда 20 кун мобайнида суткасига бир маҳал эрталаб аниқланди. Яйлов ўсимликларининг жадал вегетацияси 20 мартдан бошланиши муносабати билан қўйлар 20 октябрдан бошлаб қочирилди.

2014 йил қоракўл қўйларини кўзилатиш мавсумида худди шу совлиқларнинг серпуштлиги ҳамда якка ва эгиз туғилган эркак кўзиларидан олинган қоракўл териларининг оғирлиги, сатҳ кенглиги ва навлари ўрганилди.

Тажрибадаги қўйлар сунъий усулда икки қарра уруғлантирилиб, олинган авлодлар яккама-якка бонитировка қилинди.

Кўзилар бонитировкаси “Қоракўлчилик наслчилик ишларини юргизиш ва кўзиларни баҳолаш (бонитировка қилиш)” бўйича қўлланмага (Тошкент, 2000), қоракўл териларининг сифатини баҳолаш собиқ Бутун иттифок қоракўлчилик илмий-тадқиқот институти методикасига (И.Н.Дьячков, М.Ж.Зокиров, Р.Т.Письменная, 1963) ва амалдаги ошланмаган барра қоракўл терилари ЎзРСТ 641 – 95 асосан амалга оширилди. Териларнинг сатҳ кенглиги линейка ёрдамида ўлчаб аниқланди ва оғирлиги тузлаб қуришиб тозалангандан кейин электрон тарози ёрдамида ўлчанди.

Тажриба ишларини олиб бориш мобайнида “Абай” номли ширкат хўжалигининг тарихи, табиий иқлим шароити ва жойлашиш ўрни, экологик ҳолати, ишлаб чиқариш ресурслари, охириги уч йиллик иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари, пода таркиби, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳолати ўрганилди. Тўпланган маълумотлар таҳлил қилиниб, тадқиқотнинг иқтисодий кўрсаткичлари аниқланди.

V. ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ.

5.1. Ҳар хил ёшдаги совлиқларнинг куйга келиш динамикаси

Қоракўлчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш салмоғини оширишнинг муҳим буғини бу сурувни қайта урчитишни тўғри ташкил этиш ҳисобланади, бу эса кўп жиҳатдан совлиқларнинг ўз вақтида куйга келишига ва уларнинг тўла қонли уруғлантирилишига боғлиқ.

Қоракўл кўйлар сурувини қайта урчитишини тўғри ташкил этиш учун уларнинг кўпайишининг нафақат умумий, балким специфик бўлган функцияларини ҳам билиш зарур.

Йил давомида жинсий фаоллигининг намоён бўлиши бўйича барча ҳайвонлар моноэстрик ва полиэстрик типларга бўлинади.

Моноэстрик типга бир жинсий даврда бир марта куйга келиб уруғланадиган ҳайвонлар, полиэстрик типга эса йил бўйи уруғланиш қобилятига эга бўлган ҳайвонлар киради.

В. Г. Шиманов ва б. (1982) фикрига кўра қоракўл кўйлари бу типлар орасида оралиқ ўринни эгаллайди, чунки жинсий мавсум давомида улар кўп марталаб куйга келиш қобилятига эга бўлиб, у вақт билан чегараланган ва узок муддатли тинчлик даври билан чегараланади.

Э. А. Атакурбанов (2000) аниқлашича, қоракўл кўйларида жинсий давр июлнинг охирида бошланиб, унда 3% га яқин совлиқлар куйга келади. Совлиқларнинг асосий қисмининг куйга келиши сентябр ойида (59-60%)

намоён бўлади. Куйга келишнинг энг сўнгги муддатлари ноябр ойининг биринчи ярмига тўғри келиб унда бор йўғи 1-2 совлик куйга келади.

Э. А. Атакурбановнинг (2000) тадқиқотларининг кўрсатишича, Ўзбекистон шароитида ёзги мавсумда 6-12% фоизгача қорақўл қўйлари куйга келган. “Улус” хўжалиги шароитида қўзилари терига сўйилган совлиқларни яхши озиклантириш ва сақлаш шароитида нафақат кузги мавсумда ёз даврида ҳам яхши куйга келган (60-65%).

Қорақўл қўйлари жинсий мавсумининг чегараланиши, бошқа зотлар сингари авваламбор ирсий белги бўлиб, қорақўлчилар амалиётида қўиларнинг қўзилашини баҳорда яйлов ўсимликларининг вегетациясига тўғрилаб кузги қочиримни ўтказишган ҳамда бу белгини авлоддан-авлодга мустаҳкамлаб келишган.

Қорақўл қўиларининг жинсий даврининг намоён бўлиши аҳамиятли тарзда урчиш ва улардан фойдаланиш шароитларига боғлиқ. Аксарият қорақўл қўйларида жинсий давр ҳавонинг тунги салқин тушиши билан бошланади.

Қорақўл қўиларининг жадал куйга келиши шунингдек улар ҳаёти кечадиган шароитларнинг даврий ўзгаришига ҳам боғлиқ. Африка жанубидаги қорақўл қўйлари баҳор ва кузда куйга келади.

Ўзбекистонда қўилар қишлоvdан қисқа муддатли яшил утли яйловларга чиқиб, қиш давомида 10 кг гача тирик вазнини йўқотади, бу эса уларнинг кўпайиш функциясига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Март ойининг охирларидан майнинг иккинчи ярмигача бўлган даврда эфемерларнинг барқ уриб ўсиши ва салқин ҳаво ҳарорати қўилар тирик вазнини тикланишини таъминлайди, аммо вегетация даврининг тугаши ва ҳароратнинг кескин кўтарилиши қорақўл қўйлари учун ноқулай шароитни юзага келтиради. Кузги салқин кунлар бошланиши билан қўилар яйловлардан самарали фойдаланиб семизлиги ортади ҳамда уруғланиш қобилятига тўлиқ етилади.

В. Г. Шимановнинг (1982) таъкидлашича, ташқи муҳитнинг ўзгариши барча ҳайвонларга ҳам бир хил даражада таъсир этавермайди. “Ўлик мавсум”

давомийлигига ҳайвоннинг мавжуд озуқалардан (ёши, семизлик даражаси, совлиқ туғгандан кейин ундан фойдаланиш характери-эмизувчи, мари, буйдоқ ва б.) фойдаланишнинг индивидуал қобилятини белгиловчи омиллар таъсир кўрсатади.

С. Ю. Юсупов (2005) томонидан аниқланишича, совлиқларнинг куйга келиш фаоллиги ҳайвонларнинг конституционал типларига боғлиқ, мустақкам конституцияли совлиқларларда куйга келиш яхшироқ ва фаолроқ намоён бўлади.

Э. А. Атакурбанов (2005) аниқлашича, жинсий даврнинг ривожланиши совлиқлар туғганидан кейин улардан хужалик мақсадида фойдаланиш билан тўғридан тўғри боғлиқ. Буйдоқ қўйларнинг жинсий даври июлнинг иккинчи ярмида бошланиб, октябр ойининг охирига келиб мазкур гуруҳдаги деярли барча қўйлар уруғланиб бўлади. Қўзили совлиқларда жинсий давр кечроқ бошланиб, ориқ қўйлардау ноябрнинг биринчи ярмида бошланади.

Мари қўйлар бу борада оралик ўринни эгаллаб, уларда жинсий давр кўзили совлиқларники билан бир вақтда бошланиб жадалроқ кечади ҳамда кейинчалик улар ривожланишдабўйдоқ қўйларга етиб олишади.

Шундай қилиб, қоракўл қўйларида жинсий мавсум узоқ муддатли характерга эга бўлиб, 49-179 кунгача чўзилиб умумий ҳисобда 5 ойгача давом этади (В. Г. Шиманов 1982).

Совлиқларнинг пушторлиги уруғланиш, серпуштлиқ ва қисир қолиш каби кўрсаткичлар билан боғлиқлиги муносабати билан биз ўз тадқиқотларимизда уларнинг намоён бўлишини ўргандик.\

Ҳар хил ёшдаги совлиқларнинг куйга келиш динамикаси

10-жадвал

Совлиқлар ёши	Ҳисобга олинган совлиқлар сони	Куйга келиш муддатлари								Куйга келмаган совлиқлар	
		20-24.10		25-29.10		30.10-4.11		4-8.11			
		бош	%	бош	%	бош	%	бош	%	бош	%
1,5 ёш	78	9	11,5	21	26,9	31	39,9	16	20,5	1	1,2
2,5-4,5 ёш	341	51	14,9	160	47,1	107	31,3	20	5,8	3	0,9
5,5-6,5 ёш	86	24	27,9	36	41,9	12	13,9	11	12,8	3	3,5
жами	505	84	16,6	217	43,0	150	29,7	47	9,3	7	1,4

10 -жадвалда келтирилган маълумотлар таҳлилининг кўрсатишича, кумли чўл шароитида қоракўл совлиқларининг куйга келиши турлича бўлиб, у маълум даражада уларнинг ёши, билан боғлиқлиги.

Шунга кўра аниқланди қочиримнинг бошида кўпроқ куйга келиши катта ва ўрта ёшдаги совлиқларда кузатилган, биринчи бор қочирилаётган ёш молларда юқори жинсий фаоллик кечроқ бошланган. Биринчи беш кунликда катта ёшдаги совлиқларнинг 69,8 фоизи, ўрта ёшдаги ва биринчи марта қочирилаётган совлиқларда ўз ўрнида 62,0 ва 38,4 фоизни ташкил этган.

5.2.Ҳар хил конституция типидagi совлиқларнинг куйга келиши.

Аввало қуйларнинг конституцияси дейилганда, худди бошқа чорва молларидаги каби, организмнинг ташқи кўринишини, саломатлиги, махсулдорлиги ва умуман ҳаёт фаолиятини (барча функцияларини) белгилаб берадиган ташқи тузилиши шакллар ҳамда ички хосса ва белгиларнинг биологик бирлиги тушунилади.

Конституция хусусиятларини наслдан наслга ўтиб боради ва ирсиятга боғлиқ. Махсулдорлиги жихатидан ҳар хил йўнанашига мансуб қуйлар суяклари, мускул тўқимаси, териси тери ости бириктирувчи тўқимаси, ички органлари (овқат ҳазм қилиш органлари, ўпкаси, юраги ва

хоказо)нинг яхши ривожланганлиги, яъни конституцияси жихатидан биридан фарқ қилади.

Конституциясининг шаклланишига ирсият билан бир қаторда ташқи муҳит, айниқса қўйларни боқиш шароити ҳам бир мунча таъсир этади. Тегишли боқиш усуллари қўллаш йўли билан модда алмашинув жараёнларининг боришини бошқариш ва уларни керакли томонга йўналтириш мумкин.

Генотип ва муҳит - қўйлар конституциясининг шаклланишини белгиловчи омиллардир. Турли йўналиш ва махсулдорликлардаги қўйлар ўзларининг фенотиплари жихатидан бир хил эмас, улар конституцияси хусусиятларига кўра қўйидаги типларга бўлинади. Одатда ҳар бир индивиднинг соғлигини яхшиловчи ва чидамлигини таъминловчи мустаҳкам конституция барча наслдор моллар учун ғоят маъқул конституциядир.

Қорақўл қўйлар конституцияси. Ҳайвонлар конституцияси тўғрисидаги маълумот жуда қадим замонларда пайдо бўлган. Эрамиздан аввалги V асрдаёқ қадимги юнон тарихчиси Ксенофонт ҳайвонлар конституциясини илк бор эслатиб ўтган Қадимги юнон ҳакими Гиппократ одамга нисбатан “яхши” ва “ёмон”, “кучли” ва “заиф”, “қуруқ” ва “нам”, “бўшанг” ва “таранг” конституцияни қўллаган. У конституция типини туғма сифат деб ҳисоблаган ва у яшаш шароити билан чамбарчас боғлиқ эканлигини уқтириб ўтган.

Аристотел касалликлар моҳиятини организмдаги тўрт хил “гумор” ёки “шира” нинг ўзгариши билан тушунтирган. У кишиларнинг конституционал типлари у ёки бу хил ширанинг ортиб кетишига боғлиқ деб ҳисоблаган ва одамлар мижозига қараб холерик, сангвиник, флегматик ҳамда меланхолик деб аталувчи тоифаларга ажратган. Конституция проблемаси Гален таълимотида янада ривожлантирилади, у габитус (экстерьер) тўғрисидаги тушунчани киритди. Кўриниб турибдики, қадимги одамлар тушунчасига

кўра, конституция яхлит система бўлиб, унинг барча қисмлари ўзаро боғланган ва ташқи муҳитга тобедир.

Фанда диалетик методнинг қарор топиши конституция масалаларининг тўғри талқин қилинишига ёрдам беради. Унга организм коррелацион белгиларининг намоён бўлиши деб қарала бошлади. Профессор С.Ю. Юсуповнинг (2005) ёзишича, ҳайвоннинг конституция типи бутун организмнинг анатомик-физиологик хусусиятларини акс эттиради, у ирсий нишонлар ва индивидуал ривожланиш шароити сабабли пайдо бўлган, махсулдорлик характери ва организмнинг ташқи шароит таъсирига жавоб кайтариш (мосланиш) қобилияти билан боғлиқдир.

Органлар ҳамда тўқималарнинг шакли билан функцияси ўзаро боғлиқ бўлганлиги сабабли экстерьер (ташқи тузилиш) билан интерьер (ички тузилиш) нисбатини аниқлаш ғоят муҳим амалий аҳамиятга эга. П.Н.Кулешов ёзганидек, ҳайвон экстерьерига усталик билан баҳо бериш унинг анатомик –физиологик сифатларига қиёсий-морфологик анализ методи асосида баҳо бериш бўлиб хизмат қилади.

Моддалар алмашинувининг характери органлар ва бутун организмнинг формасида акс этади. Формага қараб суяк, мушак, без тўқималарининг сифати, организмнинг анатомик –физиологик ҳолати тўғрисида фикр юртиш мумкин. Селекция-наслчилик ишларида қўйларнинг ички тузилиши тўғрисида уларнинг ташқи формаларига қараб фикр юритилади.

Конституцияни ўрганишда интерьер хусусиятларига алоҳида эътибор берилди. Экстерьер ва интерьер баҳолари бирга қўшилиб, организмнинг ўзаро боғлиқлиги ва яхлитлиги принципини ифодалайди.

Қорақўл қўйлар экстерьерлари ва конституциясида чўл ва чала чўлларнинг кескин шароити ўз таъсирини қолдирган. Катта ёшли қорақўл қўйлар тўрт хил жун-конституция типига эга бўлади. Уларни саралашда бу типлар ҳисобга олинishi керак.

Мустаҳкам тип (чорвадорлар классификацияси бўйича “ғўзамой”). Бундай қўйларнинг суяги нормал ривожланган ва териси юпқа, пишиқ

бўлади. Жуни эластик ва етарли даражада қалин, кокилчалар ташкил қилиб, ёйилиб туради. Жун қопламида ўта дағал қилтиқ ва майин калта тивит бўлмайди. Ёғ-тери миқдори нормал, айрим ҳайвонларда кўп бўлади. Қорни, боши ва оёқларининг сержунлиги яхши ва қониқарли. Подаларда мустаҳкам типдаги қўйлар жами қўйларнинг қарийб 60% ни ташкил этади.

Баҳорги жуни асосан II ва I классларга киради.

Ўртача ва майда жингалаклари элита I классга киритиладиган қўйлар етилган пайтида хийлагина бир текис жунли мустаҳкам кониституцияга эга бўлади.

Ушбу тип барча қоракўлчилик зоналарида урчитиш учун энг мақбул тип ҳисобланади.

Нозик тундаги (“нозик”) қўйларнинг жун қоплами қалин ёки унчалик қалин эмас, жуни эластик буралган ва кокилчалар ташкил этади. Ёноғида оралиқ (ўткинчи) мўйлар ва тивит кўпчиликлари ташкил қилади. Ёғли тери миқдори ўртача. Боши ва оёқлари, яхшигина ўртача сержун. Мунча депигментланади (рангини йўқотади). Суяклари мустаҳкам типдаги қўйларники каби ривожланган. Бундай қўйлар подада қарийб 7% ни ташкил этади.

Дағал тундаги (“оқгул”) қўйлар суякдор, боши қўпол ва оғир бўлади. Териси қалин ёки бўш. Жунида узун дағал қилтиқлар кўп, тивит кам, йирик, кўпинча тўғри кокилчалар ташкил қилиб, асосигача ёйилиб туради. Одатда, улар кучли даражада депигментланган (рангини йўқотган) бўлади. Қорни, боши ва оёқчалари унчалик сержун эмас. Дағал типдаги қўйлар подада қарийб 30% ни ташкил этади, асосан III класс жун беради. Қўзилари кўпроқ дағал конститутцияли, йирик, бўш жингалиакли, қалин мездрали бўлиб туғилади.

Ўта нозиклашган тип (“қирриқ”)-охирги форма. Бундай қўйларнинг суяги ва боши енгил, кучли даражада бурлаган, камроқ депигментацияланган, кўпинча қуруқ бўлади, чала (бўш) штапель ҳосил қилади. Қорни, боши ва оёқлари калта қуруқ жун билан қопланган. Бундай

қўйлардан энг кам жун қирқиб олинади. Бу хил қўйлар подада 3 % дан камроқ қисмини ташкил этади.

Ҳамма ёйвонлар ҳам у ёки бу конституционал типнинг айтиб ўтилган хоссаларига эга бўлавермайди. Оралик (ўткинчи) формалардаги ҳайвонлар ҳам учраб туради; бундай ҳайвонлар ўзлари кўпроқ ўхшайдиган типга киритилиши керак, аммо бунда уларнинг семизлиги албатта, ҳисобга олиниши шарт, чунки фақат нормал семизликдаги ҳайвонларни тўғри баҳолаш мумкин.

Юқорида баён этилган қоракўл қўйлари жун конституция типларининг хўжалик ва биологик аҳамияти жуда катта. Ҳар бир қоракўлчи селекционер қоракўл қўйларининг жун конституция типларини жуда яхши билмоғи лозим. Юқорида келтирилган тўртта типдан ташқари мустаҳкам конституцияли қўй ва қўзиларни кўпроқ наслга танлаш, қўпол, нозик ва жуда нозик конституцияли совлиқларни наслдор қўчқорлардан қочириш, қўпол ва нозик конституцияли қўйларни парвариш қилиш ишларини тўғри йўлга қўйиш билан хўжаликда мустаҳкам типли қўйлар сонини ошириш мумкин. Мустаҳкам конституцияли қоракўл қўйлари иссиққа чидамли бўлади.

Қоракўл қўйларининг конституция типларини йилдан-йилга яхшилаш, маҳсулдорлигини ошириш, нобудгарчиликка барҳам бериш ва серпушт қилиш учун кенг имкониятлар мавжуд.

Ҳар хил конституция типдаги совлиқларнинг қўйга келиши

11-жадвал

Совлиқлар конституция типи	Ҳисобга олинган совлиқлар сони	Куйга келиш муддатлари								Куйга келмаган совлиқлар	
		20-24.10		25-29.10		30.10-4.11		4-8.11			
		бош	%	бош	%	бош	%	бош	%	бош	%
Нозик ва кирриқ	64	7	10,9	34	53,2	13	20,3	7	10,9	3	4,7
мустаҳкам	370	54	14,6	153	41,4	123	33,2	39	10,5	1	0,3
қўпол	71	23	32,4	30	42,3	14	19,7	1	1,4	3	4,2
жами	505	84	16,6	217	43,0	150	29,7	47	9,3	7	1,4

Қочирим даврининг бошида совлиқларнинг куйга келишининг фаоллиги кўпроқ мустаҳкам конституцияли совлиқларда кузатилган бўлиб, қочиримнинг биринчи ун беш кунлигида уларнинг 89,2 фоизи куйга келган. Нозик ва кўпол конституцияли совлиқларда эса бу кўрсаткич ўз ўрнида 84,4 ва 84,4 фоизни ташкил этган.

5.3.Хар хил семизлик даражадаги совлиқларнинг куйга келиши.

Қўй тириклигидаги семизлик даражаси гўшт сифатини аниқлашнинг муҳим белгиси бўлиб, у қўйни кўриб чиқиш ва ёғ тўпламидаги жойларини қўл билан пайпаслаб кўриш йўли билан аниқланади. Кўпгина қўй зотларининг орқа ва бел умуртқа поғоналарида, куймич дунглари, қобирғалар орасининг мускул ва ёғ тўқималари билан тўлганлигига, човида қанчалик ёғ тўпланганлигига, ҳамда терисининг ҳаракатчанлигига қараб аниқланади. Бунда қуй зотининг йўналиши, ёши ва гавдасининг шакли ҳам ҳисобга олиниши шарт. Эътибор бел ва қобирғалар терисининг остида ёғ тўпланиш миқдори, думбали қўйларда думбасига, ёғли думли қуйларнинг думига қаратилади. Қўйнинг семизлиги ошган сари, уларнинг сўйилганидаги гўштидаги суяклар миқдори нисбат оз бўлиб, бириктирувчи тўқималарнинг миқдори кескин кўпаяди ва мускул тўқимасининг миқдори ҳам анча ошади.



Қоракўл қўйи ва қўзиси

Қўйларнинг семизлик даражаси тўрт тоифага (категорияга) бўлиб ўрганилади: ўртача юқори, ўртача, ўртача паст ва орриқ.

Юқори даражадаги семизлик. Орқа белининг мускулларини ушлаб кўрганда яхши ривожланган; орқа ва бел умуртқа суякларининг ўткир ўсимталари бўртиб чиқмаган яғрининика эса чиққан; белидаги тери ости ёғи яхши аниқланган; орқа ва қобирғалари да ёғ ўртача даражада тўпланган. Кўп миқдорда ёғ думбали қўйларнинг ёғли думбасида, ёғли думли қўйларнинг думида тўпланган бўлиб; думбасининг тўлалиги яхши. Териси ҳаракатчан, ён томонга яхши тортилган.

Ўртача даражадаги семизлик. Орқа ва белининг мускулларини ушлаб кўрганда қониқарли: суяги қуймич ва белининг умуртқа поғоналарининг ўткир ўсимталари озгина чиққанн; орқа умуртқа поғоналир сезиларли

даражада бўртиб чиққан; белида тери ости ёғларининг тўплами ўртача, орқа ва қобирғаларида ёғ тўплами кўп эмас. Думбали қўйларнинг думбаси, ёғли думли қўйларнинг думида ёғ ўртача тўпланган; думбаси етарли ривожланган. Териси сер ҳаракатчан, ён томонга етарли даражада енгил тортган.

Ўртачадан паст даражадаги семизлик. Орқа белининг мускуллари ушлаб кўрганда қониқансиз; орқа ва бел умуртқа поғоналариининг ўсимталари ўткир, қобирғалари чиққан, яғрини ва қуймич буртиб чиққан, тери остидаги ёғ қатлами сезилмайди. Думбали қўйларнинг думбасида, ёғли думли қўйларнинг думида кўп бўлмаган ёғ тўплалар бўлади. Орқасидаги териси айтарлича ҳаракатчан бўлмайди ва қийинчилик билан ёмон тортилади.

Ўртачаан паст семизлик даражаси талабига жавоб беролмайдиган қўйларга ориқ қўйлар дейилади. Семизлик даражаси ҳар хил совлиқларнинг куйга келиши хусусиятини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар хил семизлик даражадаги совлиқларнинг куйга келиши

12-жадвал

Совлиқлар семизлик даражаси	Ҳисобга олинган совлиқлар сони	Куйга келиш муддатлари								Куйга келмаган совлиқлар	
		20-24.10		25-29.10		30.10-4.11		4-8.11			
		бош	%	бош	%	бош	%	бош	%	бош	%
паст	21	3	14,3	5	23,8	2	9,5	5	23,9	6	28,6
ўрта	201	41	20,4	110	39,7	60	29,8	19	9,4	1	0,5
юқори	283	40	14,1	112	39,7	108	38,1	23	8,1	-	-
жами	505	84	16,6	217	43,0	150	29,7	47	9,3	7	1,4

Совлиқларнинг куйга келиши кўп жиҳатдан уларнинг семизлик даражасига боғлиқ. Семизлик даражаси паст бўлган қўйларда куйга келиш фаоллиги ҳам паст бўлиб, биринчи, иккинчи ва учинчи беш кунликларда куйга келган совлиқлар орасида уларнинг салмоғи 14,3; 23,8 ва 9,5%, жами- 47,6 % ни, семизлик даражаси юқори бўлган совлиқларда эса бу

кўрсаткичлар ўз ўрнида 14,1; 39,7 ва 38,1 фоизни ташкил этган ва жами 91,9 % ташкил қилган.

Семизлик даражаси паст совлиқлар орасида 20 кун мобайнида куйга келмаганлари энг кўп учраб 6 бошни ёки 28,5 фоизни ташкил этган.

5.4. Ҳар хил ёшдаги сур рангли қоракўл қўйларининг пушторлиги

Қоракўлчиликда кўп йиллар мобайнида селекция ва наслчилик ишлари асосан гул сифатларини такомиллаштириш, қоракўл териларнинг ранг ва рангбаранглик ассориметини бойитиш йўналтирилган. Ҳозирги кунда қоракўлчилар олдиқақўйларни йил бўйи яйлов шароитида озикланиришга асосланиб, ишлаб чиқаришни турғун ўсишига, бозорни экспортбоп маҳсулот билан таминлаш вазифаси қўйилган.

Қоракўлчилик маҳсулотларини сифатини ошириш ҳамда ишлаб чиқаришни кўпайтиришни ҳал қилувчи масалаларидан бири сурувнинг биологик имкониятларидан мақсадли ва рационал фойдаланиш йўли билан уларни тоза зотли урчитишда табиий пушторлигини оширишнинг селекцион ва технологик услубларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Қоракўл қўйларининг табиий пушторлигини ошириш муаммоси биологик муаммолар орасида кенгқамровли, чуқур ва ҳар томонлама бўлиб, амалий фаолият ва назарий ишланмалар учун бир хил аҳамиятга эга.

Юқоридагилардан келиб чиқиб биз ўз тадқиқотларимизда Қизил-қум шароитида сур рангли қоракўл қўйларининг пушторлигини кўриб чиқишни лозим топдик. Олинган маълумотлар қўйидаги жадвалда келтирилган.

Ҳар хил ёшдаги сур рангли қоракўл қўйларининг пушторлиги

13-жадвал

Қўйларнинг ёши	Ҳисобга олинган совлиқлар	Ўз вақтида кўзилаган		Эгиз туғган		Буғоз		Қисир қолган	
		бош	%	бош	%	бош	%	бош	%

	сони								
2,0	77	61	79,2	-	-	14	18,2	2	2,6
3,0-5,0	338	279	82,5	31	9,1	26	7,7	2	0,7
6,0-7,0	83	60	72,3	2	2,4	19	22,9	2	4,8
жами	498	400	80,3	33	6,6	59	11,8	6	1,3

Ушбу жадвал маълумотларининг таҳлили кўрсатишича, ёши турлича бўлган сур рангли қорақўл қўйларининг пушторлиги турлича бўлган. Қўйларнинг ёши 3-5 бўлган вақтида пушторлиги юқори бўлиши кузатилди ва ўз вақтида қўзилаган совлиқлар 82,5 % ни ташкил қилди бу кўрсаткич 2 ёшдаги совлиқларга нисбатан 3,3 % га, 6-7 ёшдаги совлиқларга нисбатан 10,2 % га кўп бўлди. Шунингдек эгиз туғиш ҳам 3-5 ёшли совлиқларда кузатилди 9,1 % ни ташкил қилди ушбу кўрсаткич 6-7 ёшли совлиқларда 6,7 % га кам бўлди 2 ёшли совлиқларда эгиз туғиш кузатилмади.

5.5.Хар хил конституция типидagi сур рангли қорақўл қўйларининг пушторлиги

Қўйлар пушторлиги қийин ирсийланувчи белги бўлиб, генларнинг аддитив қисми таъсири билан шартланган. Генларнинг фақат аддитив қисмини ҳисобга олишда пушторликнинг наслдан-наслга берилиш даражаси паст бўлади. Шу сабабли қўйларнинг пушторлигига ирсий ўзгарувчанликнинг кучсиз таъсир этиши ҳақида нотўғри хулосалар пайдо бўлади (А. М. Омбаев, М. А. Виноградова 2007).

Қорақўлчилик амалиётида пушторликни гонадотроп препаратлар, бошқа серпушт зотлар билан чатиштириш йўллари билан оширишга кўплаб уринишлар бўлган, аммо пушторликнинг ошиши билан бир қаторда уларнинг авлодларида салбий сифатий ўзгаришлар намоён бўлиб, бу усулларни қўллаш деярли самара бермаган.

И.Н.Дьячков (1980) таъкидлашича, қорақўл қўйларида табиий пушторликнинг аҳамиятли захираси мавжуд.

К. С. Сабденов ва б. (1990) жанубий қозоғистон мериноси, қозоқ гўшт-жун йўналишидаги яриммайин жунли ва қозоқ майин жунли қўй зотларида пушторликни оширишга йўналтирилган селекция йўли билан ушбу зотлардаги серпушт совлиқлар сурувларини яратганлар. Муалифларнинг таъкидлашича, пушторлик бўйича танлаш ва мустаҳкамловчи жуфтлаш ишлари натижасида қўйлар серпуштлигини аҳамиятли тарзда ошириш мумкин (114-119-125%, 100-101-103% назоратга нисбатан).

Шу муносабат билан тоза зотли урчитишда бир туғишда иккита қўзи олиш имконини берувчи селекция услубини ишлаб чиқиш истиқболли ҳисобланади.

Ҳар хил конституция типидagi сур рангли қоракўл қўйларининг пушторлиги

14-жадвал

Қўйларнинг конституцияси	Ҳисобга олинган совлиқлар сони	Ўз вақтида қўзилаган		Эгиз туғган		Буғоз		Қисир қолган	
		бош	%	бош	%	бош	%	бош	%
Нозик ва қирриқ	61	36	59,0	-	-	19	31,1	6	9,9
мустаҳкам	369	313	84,8	30	8,1	26	7,1	-	-
қўпол	68	52	76,5	3	5,7	14	20,6	-	-
жами	498	400	80,3	33	6,6	59	11,8	6	1,3

Конституционал фарқланиш ҳам совлиқларнинг қайта урчиш хусусиятларида ўз аксини топган. Энг кўп кечки буғоз ҳамда қисир қолиш нозик конституцияли совлиқлар орасида аниқланган ҳамда кеч буғозлик – 31,1 ва қисир қолиш 9,9%ни ташкил қилди. Уруғланиш ва эгиз туғишнинг энг юқори кўрсаткичлари мустаҳкам конституцияли қўйларда кузатилган – 84,8 ва 8,1%. Қўпол конституцияли совлиқлар бу кўрсаткичлар бўйича оралиқ ўринни эгаллаган.

5.6. Ҳар хил семизлик даражадаги сур рангли қоракўл қўйларининг пуштдорлиги

Қоракўл қўйларининг пуштдорлиги турғун ирсий белги бўлиб, табиий ва сунъий танлаш таъсири остида ишлаб чиқилган, шу билан бирга унга ташқи муҳит омиллари ҳамда ҳайвонларнинг қочирим вақтидаги физиологик ҳолати таъсир этади. Шунинг учун қўйлар пуштдорлиги маълум даражада модификацияланади – кўтарилади ёки пасаяди.

Демак турли ёшдаги совлиқларда уруғланиш (ўз вақтида қўзилаш) ва эгиз туғишнинг энг яхши кўрсаткичлари ўрта ёшли қўйларда (82,5-9,1%), энг кўп кечки буғоз ва қисир қолиш биринчи бор қўзилаётган ва қари совлиқларда кузатилган.



Қоракўл совлиқлари ва қўзилар

Шунинг учун ушбу кўрсаткичга алоҳида эътибор бериб селекция ишлари олиб бориш кераклиги билан изоҳлаш мумкин

Совлиқларнинг қочирим давридаги семизлик даражаси уларнинг пуштдорлигининг намоён бўлишига таъсир этган.

Ҳар хил семизлик даражадаги сур рангли қоракўл қўйларининг пушторлиги

15-жадвал

Қўйларнинг семизлик даражаси	Ҳисобга олинган совлиқлар сони	Ўз вақтида қўзилаган		Эгиз туғган		Буғоз		Қисир қолган	
		бош	%	бош	%	бош	%	бош	%
паст	21	4	19,0	-	-	11	52,4	6	28,6
ўрта	196	163	83,2	11	5,6	22	11,2	-	-
юқори	281	233	82,9	22	7,9	26	9,2	-	-
жами	498	400	80,3	33	6,6	59	11,8	6	1,3

Юқоридаги жадвалда ҳар хил семизлик даражадаги сур рангли қоракўл қўйларининг пушторлиги ўрганилганлиги ҳақидаги маълумот келтирилмоқда ва паст семизлик даражадаги совлиқларда энг паст уруғланиш – 19,0%, эгиз умуман туғилмаганлиги, кечки буғоз бўлганлари (52,4%) ва қисир қолиш энг кўп бўлган ҳамда 28,6 % ни ташкил қилди. Пушторликнинг энг юқори кўрсаткичлари ўрта ва юқори семизлик даражасидаги совлиқларда аниқланди.

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқот ва кузатишлардан маълум бўлишича, қўйларнинг пушторлиги ирсий белги бўлишига қарамасдан, турли ёш, конституция типи ва семизлик даражасидаги совлиқларда турлича намоён бўлади. Сурувни қайта урчитишини оптимал таъминлаш, совлиқларни қўзилашини қисқа муддатларда ўтказиш, қисир қолишни камайтириш мақсадида насли совлиқлар сурувларини ўрта ёшдаги, мустаҳкам конституцияли совлиқлардан тузиб, уларни қочирим даврида ва кейинги буғозлик даврида семизлик даражаси ўрта ва юқори бўлишини таъминловчи озиқлантириш шароитини яратибгина улардан серпуштлик билан бир қаторда соғлом ва керакли сифатий кўрсаткичларга эга бўлган авлод олиш мумкин.

5.7. Қўзиларнинг тирик оғирлиги.

Ўсиш ва ривожланиш организмнинг биологик хусусиятларини характерловчи кўрсаткичлардан бўлиб, ушбу кўрсаткичнинг маълум тур, зот ва типга хос равишда оптимал ёки максимал намоён бўлиши уларнинг ирсий ва наслий хусусиятларининг ҳам мақсадга мувофиқ юзага чиқишини таъминловчи муҳим омил ҳисобланади.

Шу нуктаи назардан тажрибадаги қўйлардан олинган авлодларда тирик вазн, экстерер ўлчамлари тана тузилиш индексларининг динамикаси, конституциявий хусусиятлари ўрганилди.

Қўзиларнинг тирик вазни. Муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланадиган ушбу кўрсаткич қўйлар муҳсулдорлигининг шаклланишига ўз таъсирини кўрсатади. Тирик вазннинг талаб даражасида ёки ундан юқори бўлиши мақсадга мувофиқ. Ушбу шароитида барча хусусиятлар максимал намоён бўлади. Қоракўл қўйлари тирик вазн кўрсаткичи бўйича унча йирик эмас, лекин улардан олинадиган авлодлар туғилган пайтида онасининг тирик вазнига нисбатан бошқа қўй зотларига қараганда кўпроқ салмоқни ташкил этади (10-13%) ва бу хусусият уларнинг экстремал чўл шароитида юқори даражадаги чидамлилиikka эга бўлишини таъминлайди.

Маълумки, организмнинг ривожланиши миқдор ва сифат ўзгаришларидан ташкил топади. Бу кўрсаткич қоракўл қўзиларини туғилган пайтда баҳолашда асосий белгилардан бири ҳисобланади, чунки тирик вазннинг юқори бўлиши тери сатҳининг катталигини, молларнинг келгусидаги муҳсулдорлик даражасини, чўл шароитига, касалликларига чидамлилигини ва бошқа бир қатор хусусиятларини белгилайди. Ўсиш ва табақаланиш организм равожланишнинг ўзаро боғлиқ икки жиҳатини ташкил этади ва улар эмбрионлик даврида айниқса яққол намоён бўлади. М.Ж.Зокиров (1983) фикрича қоракўл қўйларни боқиш ва асраш шароити ҳамда ташқи муҳитнинг бошқа шароитлари совлиқлар ва қўчқорларни қочириш компаниясига тайёрлашга, уларнинг уруғланувчанлиги ва серпуштлигига, ҳомила она қорнида ривожланиши даврида ирсий белгиларнинг намоён бўлишига

қоракўл териларда барралик хоссалари ва товарлик белгилари камол топишига катта таъсир кўрсатади. Нормага нисбатан ҳар қандай ўзгариш ҳайвоннинг ирсияти имкониятлари намоён бўлиши ва ифодаланганлигининг ё кучайиши ёки пасайишига сабаб бўлиши мумкин. Ҳайвонларнинг ўсиши наслий характерга эга бўлиб, ушбу салоҳиятнинг юзага чиқиши организм, генотипнинг ташқи муҳитга реакцияси натижасида амалга оширилади. Эмбрионал даврда она организмидаги муҳит шароити авлодларнинг шаклланишида ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Булар жумласига қўйларнинг зоти, ёши, жинси, конституцияси, урчитиш тумани, қўзининг она қорнида ривожланиши, сони, совлиқнинг анатомик физиологик ҳолати ва бошқа омиллар киради ва ушбу омиллар тўғрисида олимларимиз қуйидаги фикрларни айтиб ўтганлар.

С.Ю. Юсуповнинг (2007) нинг фикрича, қўзилар то ажрим давригача жуда тез ривожланади, албатта бу кўрсаткичга яйлов шароитининг таъсири борлигини айтади.

Н.А. Бобоқуловнинг (2012) нинг таъкидлашича, чорва молларининг тирик оғирлигига, асосан боқиш, асраш, сақлаш шароити ва қўшимча озиқа миқдори таъсир кўрсатади.

Қоракўл қўзиларнинг тирик оғирлиги уларнинг яшовчанлигига чамбарчас боғлиқдир. Қўзиларнинг тирик оғирлиги – бу асосий маҳсулдорлик кўрсаткичларининг биридир, яъни қўзи қанча катта ва оғир туғилса, у шунча ташқи муҳит таъсирига чидамли бўлади, тез ўсади ва касал бўлмайди. Қўзиларнинг тирик оғирлиги бир қанча сбсбларга боғлиқ равишда ўзгариб туриши мумкин.



Қўзиларни тирик оғирлигини ўлчаш жараёни

Тажрибада турли гуруҳ (ёшдаги, конституция типдаги ва семизликдаги) қўйлардан олинган эгиз ва якка ҳолда туғилган қўзиларнинг туғилгандаги тирик вазни ўрганилди.

Қўзиларнинг тирик оғирлиги, кг

16 -жадвал

Қўзиларнинг туғилиш сони	Олинган қўзилар сони	$M \pm m$	g	C, %
Эгиз туғилган	33	3,46+1,46	1,12	26,8
Якка туғилган	142	4,35+1,25	1,18	29,3

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, якка туғилган ва эгиз туғилган қўзилар ўртасида тирик вазн кўрсаткичи бўйича маълум даражада фарқ сақланиб қолди. Яни якка ҳолда туғилган қўзилар эгиз туғилган қўзиларга нисбаттан 1,11 килограмм юқори вазнга эгаллиги кузатилди.



Эгиз туғилган қўзилар

5.8. Қоракўл териларнинг сатҳ кенглиги ва оғирлиги

Қоракўл тери маҳсулотининг қимматлилиги унинг ранги ва рангбаранглиги, гул ва жун толасининг сифат кўрсаткичларидан ташқари яна бир қатор белгиларнинг ривожланиш даражаси билан ҳам узвий боғлиқ.

Булар қаторига уларнинг сатҳ ўлчами ва оғирлиг (массаси), тери тўқимасининг қалинлиги ва мустаҳкамлиги каби кўрсаткичларни киритиш мумкин. Ушбу кўрсаткичлар териларнинг қимматлилиги ва бозоргирлигини белгиловчи муҳим кўрсаткичлардан саналади. Улар тери тўқимасининг қалинлиги, мустаҳкамлиги, гулларнинг кенглик ўлчами ва бошқа белгилар билан узвий боғлиқ. Тери тўқимасининг қалин, гулларнинг йирик бўлиши кўпчилик ҳолларда тери сатҳининг йирик бўлиши билан бир қаторда улар массасининг оғир бўлишига олиб келади. Маълумки, товаршунослик нуктаи назаридан териларнинг йирик бўлиши юқори баҳоланса, массасининг оғир бўлиши уларнинг қимматлилигини пасайтиради ва улардан тайёрланган маҳсулотнинг харидорлиги сусаяди. Шу нуктаи назардан селекция

жараёнини юритишда юпка тери́ли авлодлар олишга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади.

Ушбу кўрсаткич териларнинг баҳосини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон республикасининг “Ошланмаган барра қорақўл терилар” (1995) давлат стандартига асосан тузлаб қуритилган қорақўл хом- ашъёси 3 гуруҳга- йирик сатҳли (1400 см² дан катта), ўрта сатҳли (901 дан 1400 см² гача) ва майда сатҳли (600 дан 900 см² гача) гуруҳларга ажратилади.

Қорақўл териларининг массаси уларнинг товар қимматлигини белгиловчи муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Кенг сатҳли, юпка, енгил терилар қимматлиги жиҳатидан юқори баҳоланади. Ушбу кўрсаткичнинг катта-кичиклиги тери сатҳидан ташқари тери тўқимасининг қалинлиги ва намлик даражаси, жун - тола қопламанинг қуюқлиги, узунлиги, йўғонлиги ва намлиги, тери тўқимасига тузлаш пайтида эриб сингиб қолган туз ва унинг аралашмалари миқдорига, териларнинг маълум барра гуруҳларига мансублигига ва бошқа бир қатор кўрсаткичларга боғлиқ.

Тери тўқимасидаги мавжуд бўлган намликнинг тузлаш жараёни орқали чиқариб юборилиш даражаси хом-ашъёнинг тузлаб қуритилган ҳолатдаги массасини белгиловчи асосий кўрсаткич ҳисобланади.

Териларнинг сатҳ кенглиги ва оғирлиги

17- жадвал

Қўзиларнинг туғилиш сони	Терилар сони	Сатҳи		Оғирлиги	
		M±m	C%	±m	C%
Якка	50	1389,4±8,1	4,4	297±4,4	3,8
Эгиз	50	1045,6±8,4	4,3	218±4,1	3,9

Тадқиқотларда аниқланганки, зот таркибида мавжуд бўлган ярим доира қалам гул, яссигул, қовурғасимон ва ўсикгул гуруҳларига мансуб қорақўл терилари орасида яссигул ва қовурғасимон гуруҳларидаги терилар нисбатан

тери тўқимасининг юпқалиги ва пишиқлиги ва енгиллиги, шу билан бир каторда қолган икки гуруҳга мансуб терилардан енгиллиги ва сатҳ ўлчами бўйича сезиларли фарқланмаслиги билан ажралиб туради. Шунинг учун бизнинг тажрибамизда ҳам сезиларли фарқ қилмади.



Якка ҳолда тўғилган қўзилар

5.9. Якка ва эгиз туғилган қўзилардан олинган терилар барра гуруҳи ва нави.

Қорақўл қўйлар табиий серпуштлиги ўртача 100 бош совлиқдан 110-115 бош қўзи олишни ташкил этади, ушбу кўрсаткич асосан ирсий кўрсаткич бўлиб лекин яйлов ва табиий иқлим шароити билан ҳам узвий боғлиқ, яъни яйлов шароити яхши бўлиб ҳосилдорлиги юқори бўлса қўйларнинг серпуштлиги ҳам шунча юқори бўлади.

Қорақўл қўзилари терисида, уларнинг қайси гул типига мансублигига қараб, турли гулларни учратиш мумкин. Ярим доира қалам гул типини учун

шундай шаклдаги қалам гуллар ва дона гуллар хос бўлса, яссигул типи учун ясси қаламгуллар ва ёл гуллар, қовурғасимон типи учун эса қовурғасимон қаламгуллар ва ёл гуллар хос ҳисобланади. Ҳар бир типга мансуб қўзилар териси сатҳида ўзига хос гуллар хилма-хиллигини камайтириш, яъни иложи борича бир хил гулларнинг бўлишини таъминлаш, уларнинг наслий қимматлилигини оширади ва бундай қўйлардан селекция жараёнида максимал фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шуни назарда тутиш керакки қўчқор ва совлиқнинг келиб чиқишига боғлиқ ҳолда улардан олинган бир хил типга мансуб қўзиларда турли гул шакллариининг салмоғи у ёки бу томонга ўзгариши мумкин. Бу борада агар бу ўзгариш ижобий томонга ўзгарса қўйларнинг наслий қимматлилиги ортади ва аксинча, мақсадга мувофиқ бўлмаган томонга ўзгарса наслий қимматлилик пасаяди ва албатта олинган авлод сифати ҳам кам қийматли бўлади.

Бизнинг тажрибамизда ҳўжалик тери қабул қилиш омборида ҳар хил ёшдаги, конституция типдаги ва семизлик даражасидаги қўйлардан олинган эгиз ва якка ҳолда туғилган қўзилар терисининг барра гуруҳи ва нави ўрганилди, олинган тажриба натижалари қуйидаги жадвалда келтирилмоқда.

Териларнинг барра гуруҳи ва нави.

18- жадвал

Қўзиларнинг туғилиш сони	Терилар сони	Барра гуруҳи				Нави		
		Ярим доира	Ясси	Қовурғасимон	Ўсиқгул	I	II	III
Якка	50	33	4	3	10	42	7	1
Эгиз	50	28	8	6	8	37	12	1

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, эгиз туғилган қўзилардан олинган териларда ясси ва қовурғасимон барра гуруҳидаги терилар кўп бўлиб 16,0 – 12,0 фоизни ташкил қилди, ушбу

кўрсаткич якка туғилган кўзилардан олинган териларда 8,0-6,0 фоизни ташкил қилди. Аксинча ярим доира барра гуруҳидаги терилар якка туғилган кўзилардан олинган териларда кўп бўлиб 66,0 % ни ташкил қилди. Ярим доира ва кавказ барра гуруҳидаги терилар эгиз туғилган кўзилардан олинган терилар эса 56,0-16,0 % ни ташкил қилди. Шунингдек биринчи навли терилар якка туғилган кўзилардан олинган териларда кўп бўлди 86,0 % ни, якка туғилган кўзиларда эса 74,0 % ни ташкил қилди иккинчи ва учинчи навли терилар якка туғилган кўзилардан олинган териларда нисбатан кўп бўлди 24,0 фоизни ташкил қилди. Тадқиқот натижасидан маълум бўлдики якка туғилган кўзилардан олинган терилар сатҳи ва оғирлиги жиҳатдан эгиз туғилган кўзилар териларидан устунлик қилди, лекин териларнинг юпқалиги ва навининг юқорилиги жиҳатдан эгиз туғилган кўзилардан олинган терилар яхши кўрсаткичларга эга бўлди.

VI. ТАЖРИБАНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ.

Тадқиқот натижасини иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилиш ва унинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш долзарб ҳисобланади.

Шунинг учун якка ва эгиз туғилган кўзилардан олинган териларнинг сифат кўрсаткичларини ўрганиш ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш асосий мақсадимиз эди.

Қўйларнинг маҳсулдорлик хусусиятларини ўрганиш йўналишида олиб борилган тадқиқот натижаларини иқтисодий жиҳатдан баҳолаш, умуман олганда қорақўл тери, жун ишлаб чиқариш, гўшт етиштириш йўналишлари бўйича шунингдек қўйларнинг серпуштлиги ва бошқа ирсий хусусиятларини баҳолаш юқори самарали эканлиги кўриниб турибди.

Қорақўлчилик хўжаликларида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва маҳсулотлар таннархини пасайтириш ҳамда рентабеллик даражасини кўтариш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги пайтда қорақўлчилик хўжаликларига ишлаб чиқарган маҳсулотларни шартнома асосида эркин сотишга рухсат берилган бу эса хўжаликларининг иқтисодий жиҳатдан юксалишига сабаб бўлмоқда.

Ҳозирги вақтда хўжаликларда ишлаб чиқарилган қорақўл териларни Бухоро қорақўл ҳиссадорлик жамиятига ёки бирор бир хусусий таъдбиркорга келишилган нархда сотиш мумкин.

Мен, ушбу магистрлик диссертациясида турли ёшдаги, конституция типдаги ва семизликдаги қўйларнинг куйга келиши, серпуштлиги ҳамда улардан олинган эгиз ва якка ҳолда туғилган қўзилар териларининг сатҳ ўлчами, оғирлиги уларнинг навини ўрганидим ва тажрибанинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагича бўлди.

Тажрибанинг иқтисодий самарадорлиги

19 жадвал

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Туғилган қўзилар сони	
		Якка	Эгиз
Ишлаб чиқилган жами тери	дона	50	50
Шу жумладан			
1 нав	Дона	42	37
2 нав	Дона	7	12
3 нав	Дона	1	1
1 дона терининг таннархи	сўм	17512	17512
Жами таннарх	Сўм	875600	875600
1 дона терининг сотилиш нархи	Сўм	30 000	18500
Жами сотилган терининг нархи	Сўм	1500000	925000
Олинган фойда +	Сўм	624400	49400
Зарар -	Сўм	-	
Рентабеллик даражаси %	%	71,31	5,6
			Эгиз туғилган қўзидан бир дона қорақўл тери ёки бир бош қўзи ортиқча олинади

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, якка ва эгиз туғилган кўзиларнинг терисининг сифати ҳар хил бўлганлиги туфайли рентабеллик даражаси ҳам 71,31 – 5,6 % ни ташкил қилди, якка туғилган кўзиларнинг рентабеллик даражаси тери сатҳ майдонинг катта бўлганлиги учун қиммат сотилди лекин эгиз туғилган кўзилардан қўшимча бир бош кўзи ёки тери олиш имкони мавжудлиги ҳисобига эгиз кўзи олишнинг маълум даражада фойдали бўлиши мумкин.

VII. Хулосалар

1. Қумли чўл шароитида қорақўл совлиқларининг куйга келиши турлича бўлиб, у маълум даражада уларнинг ёши, конституцияси семизлик даражасига боғлиқ. Шунга кўра турли ёшдаги совлиқларда қочиримнинг бошида кўпроқ куйга келиши катта ва ўрта ёшдаги совлиқларда кузатилди, биринчи бор қочирилаётган ёш молларда юқори жинсий фаоллик кечроқ бошланган.

2. Қочирим даврининг бошида совлиқларнинг куйга келишининг фаоллиги кўпроқ мустаҳкам конституцияли совлиқларда кузатилган бўлиб, қочиримнинг биринчи ун беш кунлигида уларнинг 89,2 фоизи куйга келган. Нозик ва кўпол конституцияли совлиқларда эса бу кўрсаткич ўз ўрнида 94,4 ва 84,4 фоизни ташкил этган.

3. Совлиқларнинг куйга келиши кўп жиҳатдан уларнинг семизлик даражасига боғлиқ бўлиб, семизлик даражаси паст бўлган қўйларда куйга келиш фаоллиги ҳам паст бўлиб, биринчи, иккинчи ва учинчи беш кунликларда куйга келган совлиқлар орасида уларнинг салмоғи 14,3; 28,8 ва 29,7%, жами-67,8% ни, семизлик даражаси юқори бўлган совлиқларда эса бу кўрсаткичлар ўз ўрнида 14,1; 3,7 ва 38,1 фоизни ташкил этган.

Семизлик даражаси паст совлиқлар орасида 20 кун мобайнида куйга келмаганлари энг кўп учраб 6 бошни ёки 28,5 фоизни ташкил этган.

4. Ёши турлича бўлган сур рангли қорақўл қўйларининг пушторлиги турлича бўлган. Қўйларнинг ёши 3-5 бўлган вақтида пушторлиги юқори бўлиши кузатилди ва ўз вақтида қўзилаган совлиқлар 82,5 % ни ташкил қилди бу кўрсаткич 2 ёшдаги совлиқларга нисбатан 3,3 % га, 6-7 ёшдаги совлиқларга нисбатан 10,2 % га кўп бўлди. Шунингдек эгиз туғиш ҳам 3-5 ёшли совлиқларда кузатилди 9,1 % ни ташкил қилди ушбу кўрсаткич 6-7 ёшли совлиқларда 6,7 % га кам бўлди 2 ёшли совлиқларда эгиз туғиш кузатилмади.

5. Конституционал фарқланиш ҳам совлиқларнинг қайта урчиш хусусиятларида ўз аксини топган. Энг кўп кечки буғоз ҳамда қисир қолиш нозик конституцияли совлиқлар орасида аниқланган ҳамда кеч буғозлик – 31,1 ва қисир қолиш 9,9%ни ташкил қилди. Уруғланиш ва эгиз туғишнинг энг юқори кўрсаткичлари мустаҳкам конституцияли қўйларда кузатилган – 84,8 ва 8,1%. Қўпол конституцияли совлиқлар бу кўрсаткичлар бўйича оралиқ ўринни эгаллаган.

6. Ҳар хил семизлик даражадаги қўйларининг пушторлиги ҳар хил бўлиб паст семизлик даражадаги совлиқларда энг паст уруғланиш – 19,0%, эгиз қўзи умуман туғилмаганлиги, кечки буғоз бўлганлари (52,4%) ва қисир қолиш энг кўп бўлган ҳамда 28,6 % ни ташкил қилди. Пушторликнинг энг юқори кўрсаткичлари ўрта ва юқори семизлик даражасидаги совлиқларда аниқланди.

7. Якка туғилган ва эгиз туғилган қўзилар ўртасида тирик вазн кўрсаткичи бўйича маълум даражада фарқ сақланиб қолди. Яни якка ҳолда туғилган қўзилар эгиз туғилган қўзиларга нисбатан 1,11 килограмм юқори вазнга эгаллиги кузатилди.

8. Ярим доира қалам гул, яссигул, қовурғасимон ва ўсикгул гуруҳларига мансуб қорақўл терилари орасида яссигул ва қовурғасимон гуруҳларидаги терилар нисбатан тери тўқимасининг юпқалиги ва пишиқлиги ва енгиллиги, шу билан бир қаторда қолган икки гуруҳга мансуб терилардан енгиллиги ва

сатҳ ўлчами бўйича сезиларли фарқланмаслиги билан ажралиб туради бу кўрсаткич бизнинг тажрибамизда ҳам кузатилди..

9. Эгиз туғилган кўзилардан олинган териларда ясси ва қовурғасимон барра гуруҳидаги терилар кўп бўлди. Аксинча ярим доира ва кавказ барра гуруҳидаги терилар якка туғилган кўзилардан олинган териларда кўп бўлди.

10. Якка туғилган кўзилардан олинган терилар сатҳи ва оғирлиги жиҳатдан эгиз туғилган кўзилар териларидан устунлик қилди, лекин териларнинг юпқалиги жиҳатдан эгиз туғилган кўзилардан олинган терилар яхши кўрсаткичларга эга бўлди, терилар навининг чиқимида якка туғилган кўзилар устунлиги аниқланди.

VIII Таклифлар

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқот ва кузатишлардан маълум бўлишича, қўйларнинг пушторлиги ирсий белги бўлишига қарамасдан, турли ёш, конституция типи ва семизлик даражасидаги совлиқларда турлича намоён бўлади. Сурувни қайта урчитишини оптимал таъминлаш, совлиқларни қўзилашини қисқа муддатларда ўтказиш, қисир қолишни камайтириш мақсадида насли совлиқлар сурувларини ўрта ёшдаги, мустаҳкам конституцияли совлиқлардан тузиб, уларни қочирим даврида ва кейинги буғозлик даврида семизлик даражаси ўрта ва юқори бўлишини таъминловчи озиқлантириш шароитини яратишга улардан серпуштлик билан бир қаторда соғлом ва керакли сифатий кўрсаткичларга эга бўлган авлод олиш мумкин.

Қоракўл қўйларининг куйга келиш фаоллигига таъсир этувчи юқорида ўрганилган омилларга семизлик даражаси кўпроқ, ёши ва конституцияси эса камроқ таъсир кўрсатар экан. Қизил-қум шароитида қўйларни қочиришни ўз вақтида ўтказиш учун совлиқларнинг қочирим олди семизлик даражаси юқори ва ўртача бўлишини таъминловчи озиқлантириш ва сақлаш шароитларини яратиш зарур, акс ҳолда қўйларни ўз вақтида қочириш ва оммавий тўл олиш имкони бўлмайди.

IX. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдурахманов С. Некоторые биологические особенности каракульских овец различных генераций (бараны асканские матки местные и помеси F_1). Труды ВНИИК. Ташкент, 1983, с. 7-14.
2. Ақтуов Б, Садибеков А.С., Бупетаев К. Качетво каракуля при естественном многоплодии. Ж. «Овцеводство» №9, 1984. с 7-14.
3. Арапов П.В. Многолодие каракульских овец. Труды Самаркадского СХИ, т. 5, 1940. С 448.
4. .Атақурбанов Э. А. Иммуногенетика каракульских овец и разработканаучных основ их воспроизводства (на узбекском языке). Ж. «Сельское хозяйство Узбекистана» 2000 г № 4 стр. 43-45. Ташкент.
5. Атақурбанов Э. А. Принципы мониторинга каракулеводства. Самарканд 23005. Сб. работ международной научно-практической конференции 19-25 стр.
6. Базаров С.Р. Конституция и селекция каракульских овец окраски сур. Т. 2013 с. 167.
7. Бобоқулов Н.А. Қоракўлчилик фанида мустақиллик йилларида эришилган илмий-амалий ютуқлар ва келажакдаги вазифалар. “Чўл-ййлов чорвачилигининг модернизациялаш муаммолари” китобида. Т. 2012, 14-16 бет.
8. Богданов Л.В. Избранные труды. М.:Колос, 1977,с. 154-158.
9. Беляев Д.К. О некоторых проблемах коррелятивной изменчивости и их значение для теории эволюции и селекции животных. М.: Изд. СО АН СССР. №10, 1962 . с.111-124.
10. Буйлов С.В., Ҳамицаев Р.С. Жизнеспособность и продуктивность одинцовых и двойневых ягнят. Ж. «Овцеводство», №7, 1972, с. 26-27.
11. Вениаминов А.А., Сергеев Н.И. Повышение воспроизводительности овец. М.: Россельхозиздат, 1979, с. 5-36.

12. Вениаминов А.А. Породы овец мира. М.: Колос. 1984. С.193-205.
13. Виноградова М.А., Атаев М., Херремов Ш.Р., Бабаев Д. Селекция каракульских овец на повышение плодовитости. Труды Туркменского СХИ, т. 29 .вып. 2, Ашхабад, 1986, с. 5-10.
14. Газиев А. Селекционно-генетические аспекты эффективной селекции черных каракульских овец. В кн. Каракулеводство, верблюдоводство и аридное кормопроизводство. Алматы, 2003. С.102-105.
15. Грчёва А.А., Сафин Ф.Б. Молочная продуктивность маток. Ж. «Овцеводство», №2, 1982, с. 28.
16. Гасанов А.Т. Неиспользованные резервы. Ж. “Овцеводство”, №10. 1983.с. 18-19.
17. Дьячков И.Н. Каракульская овца как объект селекции. Ж. “Овцеводство”, №10. 1980. С.15-16.
18. Дьячков И. Н. Племенное дело в каракулеводстве Т. 1980 стр. 28-35
19. Елемесов К.Е., Бупетаев К. Опыты показывают. Ж “Агропромышленный комплекс Казахстана” № 2, 1988. С. 31
20. Елемесов К.Е. Каракулеводству Казахстана 75 лет. В кн. Каракулеводство Казахстана: история и проблемы развития. Алматы, 2002. С. 3-4.
21. Ерохин А.И., Джанчаров Д.М. Многоплодие и продуктивность романовских овец. Ж. “Овцеводство”, №5. 1989. С.33-34.
22. Жиряков А.М., Вильчевский В.Д., Николаев Н.Л. Продуктивность однополых двоен в разных условиях среды. Ж. “Овцеводство” № 5. 1989. с. 33-34.
23. Завертяев Б.П. Повышение многоплодия в скотоводстве. М.: Россельхозиздат, 1987. С. 43-68.
24. Иогансон И., Реддель Я., Граверт О. Генетика и разведение домашних животных. М.: Колос . 1970. С. 114-129.
25. Кошевой М.А. Основные направления в селекции каракульских овец. Ж. “Овцеводство”. №10. 1980. С.17-18.

26. Кошевой М.А., Валиев Р.Г. Селекция на многоплодие—важное звено племенной работы. Ж. “Овцеводство” . №4. 1984.С.20-22.
27. Литовченко Т.Р.,Есаулов П.А. Овцеводство. Т.2. М.:Колос.1972.с. 123.
28. Лопырин А.И. Повышение плодовитости овец и коз. М.: изд. Сельхозлитературы. 1953.с 124-125.
29. Лангле Ф. Смушковые и овчинно-шубные породы овец . В кн. “Руководство по разведению животных” т.3. 1965. С. 43-45.
30. Маликов Д.И., Иванов Г.М. Цена воспроизводительной способности племенных баранов—больше внимание. Ж “Овцеводство”. № 10. 1968.с. 24-25.
31. Магомаев Л.М. Зависимость веса романовских ягнят от молочности матерей. Ж. “Овцеводство” №6.1975.с.31-34.
32. Маркушин А.П. О скорости смены поколений овец в племенных хозяйствах. Ж. “Овцеводство” № 10. 1978. С. 25-27.
33. Медеубеков К.У.Создание и использование ценных генетических ресурсов австралийских мериносов. В кн. Селекционные достижения Казахстана. Алматы. 2001.С. 95-97.
34. Медеубеков К.У. Овцеводство. В кн. Селекционные достижения Казахстана. Алматы. 2001.С. 63-80.
35. Милованов В.К. Оплодотворение, жизненность и пол сельскохозяйственных животных. Ж. “Общая биология”. Т. 13.№ 2.1962. с.7-9.
36. Муратов И.И., Арсеньев Д.Д. Прогноз плодовитости у романовских овец. Ж. “Овцеводство”. № 7. 1980.с. 25-26.
37. Муратов И.И. Рост и развитие каракульских ягнят, полученных от раннего ягнения. Ж. “Животноводство”, № 9. 1963. С. 7-8.
38. Омбаев А.М. Эффективность использования баранов-производителей ходжатугайского многоплодного типа при совершенствовании каракульских овец мойинкумской популяции. Автореферат канд. дисс. Алматы. 2005.

39. Омбаев А.М. Биологическая обусловленность смушковых качеств каракуля. Алматы.2005. с. 152.
40. Омбаев А. М., Виноградова М. А. Методические аспекты повышенияплодовитости каракульских овец. Алматы 2007, 71 стр.
41. Панин А.И. Романовские овцы. Происхождение, особенности развития и продуктивность романовских овец. М.: ВСХИЗО.1958. с. 3-11.
42. Петров А.И., Метлицкий А.В. Методы селекции южноказахских меринсов. Алма-ата: “Кайнар”. 1981. С.102, 110-1143.
43. Поганина А. В. Плодовитость овец дагестанской горной породы.-Ж. “Овцеводство” №, 1972, с. 13-15.
44. Поляковский В. И. Оплодотворяющая способность семени баранов с разными типами трансферринов. Иммунолог. Сперматоз и оплодотворение.- София, 1969, с 281-282.
45. Поспелов С. П. Возраст животных и качество потомства.- Алма-ата: “Кайнар”, 1975, с. 7-15.
46. Рахимов Т. Б. Республика қоракұлчилигининг ютуклари ва муаммолари. “Чўл-яйлов чорвачилигининг модернизациялаш муаммолари “ китобида. Т. 2012, 9-13 бет.
47. Родионов З. М. Эльдессер О. Р. Платунов Н. П. Наследственная обусловленность многоплодия.- Ж. “Овцеводство”, №5, 1975, с 32-33.
48. Снеговой В. В., Кулаков Б С., Запорожцев А. В. Возраст тонкорунных овец и качество потомства.- Ж. “Овцеводство”, “Овцеввводство”, №6, 1968, с. 29-31.
49. Сабденов К. С., Скоробогатов Ю. А., Шауенов С. Е. Тип рождения овец и продуктивность.- Ж. “Овцеводство”, №3, 1990, с. 18-19.

50. Соколов В. В., Аккузин П. А. Опыт исследования овец породы мерино-фляйш.- М.: Россельхозиздат, 1987, с. 12-32.
51. Сухарьков С. Д. Углубленная селекция многоплодного каракуля.- Ж. "Овцеводство", №1, 1988, с. 19-21.
52. Тавитов М. Д. Каракулеводство.- Алма-ата: "Кайнар", 1983, с. 21-27, 246.
53. Туекбаев М. И др. Воспроизводительные способности каракульских овец разных окрасок. В кн. Каракулеводство, верблюдоводство и аридное кормопроизводство. Алматы, 2003, с. 136-138.
54. Турганбаев Р. Каракалпакский породный тип каракульских овец окраски сур. Т. 2012 с. 165.
55. Фень И. П., Петров А. И. Значение подбора по плодовитости при разведении мериносов.- Ж. "Овцеводство", №8, 1970, с. 14-17.
56. Шиманов В. Г. и др. Пути повышения плодовитости каракульских овец. Ташкент, 1982. стр. 200
57. Юсупов. С. Ю. Конституциональная дифференциация и продуктивность каракульских овец. Т. 2005 с. 239.
58. Юсупов. С. Ю. и др. Селекция и племенные ресурсы в каракульском овцеводстве. Т. 2010 с. 205.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Гигинешвили Н.С. Племенная работа в цветом каракулеводстве М. 1976. 192 стр.
2. Дьячков И.Н. Племенная работа в каракульском овцеводстве. Ташкент. 1975 изд. Фан.
3. Закиров М.Ж., Юсупов С.Ю. Каракулеводство Т. 1991.

4. Турганбаев Р. Овцы сур Каракалпакского породного типа. Нукус 2012.
5. Укбаев Х. и др. Атырауская порода курдючных овец смушково-мясосальной продуктивности А-А 2001. В кн Селекционные достижения Казахстана Т.2.
6. Юдин В.М. и др. Опыт разведения караульских овец сур в племхозе “Кара-Кум” Ж. Каракулеводство и звероводство. 1953. №6 стр. 9-19.
7. Юсупов С.Ю. Конституциональная дефференциация и продуктивность каракульских овец разных окрасок. Ташкент 2005 г. 220 стр.
8. Юсупов С. Ю. и др. Селекция и племенные ресурсы в каракульском овцеводстве. Ташкент 2010. 205 стр.

Интернет Сайтларини қўйиш керак